

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD 03/27.02.2021.Tar.70.05 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ**

ХУДАЙҚУЛОВ ТУЛҚИН ДУСТБОБОВИЧ

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИНИНГ БОШҚАРУВ ТАРИХИ
(МАРКАЗИЙ, МАҲАЛЛИЙ, ҲАРБИЙ, ДИНИЙ ҲОКИМИЯТ
(XVIII-XX АСР БОШЛАРИ))**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

Фан доктори диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук

Content of the abstract of dissertation of doctor of sciences

Худайкулов Тулкин Дустбобоевич

Марказий Осиё давлатларининг бошқарув тарихи (марказий, маҳаллий, харбий, диний ҳокимият (XVIII-XX аср бошлари))..... 5

Худайкулов Тулкин Дустбобоевич

История управления государств Центральной Азии (центральное, местное, военное, религиозное управление (начало XVIII-XX веков))..... 33

Khudaykulov Tulkin Dustboboyevich

History of governance in Central Asia (central, local, military, religious power (in the XVIII-early XX centuries))..... 61

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 65

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD 03/27.02.2021.Tar.70.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ**

ХУДАЙҚУЛОВ ТУЛҚИН ДУСТБОБОВИЧ

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИНИНГ БОШҚАРУВ ТАРИХИ
(МАРКАЗИЙ, МАҲАЛЛИЙ, ҲАРБИЙ, ДИНИЙ ҲОКИМИЯТ
(XVIII-XX АСР БОШЛАРИ))**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.DSc/Tar119 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетининг Педагогика институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fati.uz) ва "ZiyoNet" ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) қойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Воҳидов Шодмоғ Хусейнович
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Турсунов Сайфулло Нарзуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор

Мавлонов Ўғам Махмасобирович
тарих фанлари доктори, профессор

Холиқова Раҳбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги тарих фанлар бўйича PhD 03/27.02.2022.Tar.70.05 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2022 йил "18" 03 соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17 уй. Қарши давлат университети, тарих факультети). (Тел.: (99875) 221-00-56; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz). Қарши давлат университети.

Диссертация билан Қарши давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (87 - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17 уй. Тел: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshdu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил "01" 03 уни тарқатилди
(2022 йил "01" 03 даги 3 - рақами билан реєстр баённомаси билан).



Б.Ж. Эшов
Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш раиси т.ф.д., профессор

Н.Н. Ражабова
Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш котиби, т.ф.н., доцент

Ю.А. Эргашева
Илмий даражалар берувчи
бир марталик Илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Глобаллашув жараёнлари тобора кенгайиб бораётган халқаро майдонда турли халқларнинг қадимги тарихи, хусусан, урбанизация жараёнлари, давлатчилиги ҳамда давлат бошқаруви ва унинг ўзига хос хусусиятлари, тарихий-маданий мерос ва цивилизация тараққиётининг ҳудудларга хос жиҳатларини янада чуқурроқ ўрганишга бўлган эътибор тобора ортиб бормоқда. Бу йўналишда давлат бошқаруви, сўнгги ўрта асрлардаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, маданият, бошқарув усуллари, урбанизация каби масалаларнинг тадқиқ этилиши муҳим аҳамият касб этади.

Дунё тарихшунослигида маълум минтақалар давлатчилигидаги марказий бошқарувнинг шаклланиши ва ривожланиши, маҳаллий-маъмурий бошқарувдаги қўйи ва юқори идоралар, давлат бошқарувдаги ҳарбий унвон ва мансаблар, диний ташкилотлар бошқаруви каби масалалар юзасидан илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистоннинг халқаро алоқалари географиясининг кенгайиши туфайли Россия, Хитой, Япония, АҚШ ва бир қанча Европа мамлакатларининг етакчи мутахассис олимлари томонидан Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларидаги давлат бошқарувини мавжуд илмий қарашлар, манбалар маълумотлар, асосий ёндашувлар динамикаси, қиёсий таҳлил ҳамда умумлаштириш ҳолатларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбек давлатчилиги тарихини илмий тадқиқ этиш, унга ҳаққоний баҳо бериш ва тўпланган тажрибадан ижодий фойдаланиш мустақил Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-сиёсий ва маданий тараққиётида муҳимдир. Президент Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Янги жаҳмиёт қурилиши жараёнида халқимизнинг тарихидаги бой маданият ва бунёдкорлик анъаналарини ўрганиш ва улардан фойдаланиш катта аҳамиятга эга”¹. Шунинг учун ХХI аср бошларига келиб жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми бўлган Ўзбекистон тарихини, хусусан, ўзбек давлатчилиги тарихини ҳар томонлама ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон фармони Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” фармони, Ўзбекистон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон фармонининг 1-илласида келтирилган. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони.

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида”ги 82-сон қарори, “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 майдаги ПФ-5997-сонли фармони, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2019 йил 5 январдаги 2 аб 22 - х топшириғи асосида “Ўзбекистон тарихини ўрганиш ишларини самарали” ташкил этишга қаратилган “Йўл харитаси”да, шунингдек, ушбу соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.

Тадқиқот Республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамият, маънавий-маърифий, маданий ривожланиш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” дастурий йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Марказий Осиё, хусусан, Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари тарихи, уларнинг давлат бошқарувида оид илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Принстон университети Шарқшунослик факультети (АҚШ), Огаё давлат университети (АҚШ), Россия давлат Эрмитажи, Екатеринбургдаги Урал федерал университети (Россия), Бонн университетининг Шарқшунослик институти (Германия), Санкт-Петербургдаги “Олий иқтисодиёт мактаби”нинг Миллий тадқиқот университети, Тожикистон Фанлар академияси Тарих, археология ва этнография институти (Тожикистон), Сулаймон Демирел номидаги университет (Қозоғистон), Австрия Фанлар академияси Эроншунослик институти (Австрия), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти (Ўзбекистон) томонидан олиб борилмоқда.

Марказий Осиё давлатларининг бошқаруви тарихига оид илмий изланишлар бўйича қатор, жумладан, қуйидаги натижалар олинган:

Ўзбекистон Марказий Давлат архивидаги хонликларга оид жумладан, “Хива хонлиги девонхонаси ҳужжатлари”да хонлик тарихига доир манбаларнинг муҳим маълумотлар сифатидаги аҳамияти кўрсатилиб, илмий хулосалар ишлаб чиқилган (Institute of Iranian Studies, Austrian Academy of Sciences, Австрия); XVIII-XX аср бошларида подшо Россиясининг Марказий Осиёда олиб борган сиёсатининг ҳуқуқий жиҳатларини ёритувчи бир қатор ишларда тарихий шахсларнинг, хусусан, Хива хонларидан Оллоқулихон ҳамда Муҳаммад Раҳимхон II ларнинг шахси, уларнинг юритган ички ва ташқи сиёсатига баҳо берилган (Национальный исследовательский университет «Высшая школа экономики», Россия); XVIII-XIX асрларда Марказий Осиё давлатларидаги ижтимоий табақалар ва гуруҳлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар таҳлил этилган (Institute of Oriental Studies of Bonn University,

Германия); Россия давлат миллий фондининг махсус лойиҳаси доирасида ўзбек хонликларининг подшо Россияси билан ўзаро муносабатлари ва ўзаро савдо алоқаларини ривожлантириш масалалари Россия архив ҳужжатлари асосида ёритилган (Государственный Эрмитаж, Санкт-Петербург: Россия); Нодиршоҳнинг Марказий Осиёга юриши даврида (XVIII аср) Хива-Эрон муносабатлари ва минтақада юзага келган сиёсий вазият таҳлил этилган (Тожикистон Фанлар академияси Тарих, археология ва этнография институти); Тарих ҳамда Яқин шарқ тиллари ва маданияти кафедрасида Марказий Осиё давлатларининг ижтимоий ва иқтисодий тарихи бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Унда Қўқон хонлигининг гуллаб яшнаши ва инқирози, Ҳиндистон ва Марказий Осиёдаги савдо-сотик ва маданият, “Буюк ипак йўли” қарвонлари каби кўплаб тарихий маълумотлар илмий таҳлил қилинган (Огаё давлат университети, Тарих ҳамда Яқин шарқ тиллари ва маданияти кафедраси: АҚШ).

Жаҳон миқёсида XVIII-XX асрларда Марказий Осиё давлатлари тарихи бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивининг Бухоро амирлиги Қўшбегиси Канцеляриясида сақланаётган ҳужжатларни ўрганиш; Хива хонлигининг ташқи алоқалари, жумладан, унинг Россия, Эрон, Хитой давлатлари билан савдо-дипломатик муносабатларини тадқиқ этиш; Қўқон хонлиги, кейинчалик Қўқон хонлиги пайдо бўлишидан олдин XVIII асрда рўй берган Бухоро хонлиги инқирозининг сабабларини таҳлил этиш; хонликларда вақф хўжалигининг ўзига хос жиҳатларини, шариатнинг ҳуқуқий асослари ҳамда хонликларнинг даргоҳи ва девонида иш юритиш аънаналарини, юз берган трансформацион жараёнларни аниқлаш.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.

Мавзу тарихшунослик ва манбашунослик таҳлилларига асосланади. Шунга кўра, мавжуд адабиётларни улар ёзилган даврларга қараб, бир неча гуруҳларга туркумлаштириш имконияти пайдо бўлди. Улардан **биринчи гуруҳга** Россия империяси ҳукмронлиги даврида ёзилган асарларни, **иккинчи гуруҳга** собиқ совет даврида яратилган тадқиқотларни, **учинчи гуруҳга** мустақиллик даврида ёзилган асарларни ва **тўртинчи гуруҳга** хориж олимлари қаламига мансуб адабиётларни киритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Биринчи гуруҳга оид адабиётлар XVIII-XX асрнинг бошларида рўй берган тарихий воқеаларнинг бевосита гувоҳлари томонидан яратилганлиги билан ажралиб туради. Уларни мансублигига қараб икки қисмга, яъни ўзбек хонликларининг тарихнавислик мактаби муаррихлари ва подшо Россияси мустамлакачилиги даври тарихчилари берган маълумотларга ажратиш мумкин.

Тадқиқотда ўзбек хонликлари тарихнавислиги вакиллари томонидан маҳаллий тилларда яратилган асарлардан ёзма манба сифатида фойдаланилгани учун ҳам улар ҳақида ишнинг манбавий асослари қисмида батафсил тўхталиб ўтилган.

Совет даврида ҳам мазкур мавзуга оид қатор илмий адабиётлар яратилди, ана шулар **иккинчи гуруҳни** ташкил қилади. Бироқ, уларнинг асосий қисмида хонликлар тарихи, ундаги сиёсий-иқтисодий ва маданий жараёнлар шу даврдаги ҳукмрон марксча-ленинча мафкура ғоялари ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёритилган. Энг асосийси, Россия империясининг босқинчилик сиёсати бир ёқлама, ноҳолис таҳлил қилинган. Бунга асосий сабаб қилиб қуйидагиларни келтириб ўтиш жоиз:

- 1) бу даврда тарихий ҳақиқатни билишга рағбат кўрсатилмаган;
- 2) ҳукмрон коммунистик мафкура манфаатларига хизмат қилмайдиган манбалар халқ кўзидан иложи борича йироқ сақланган;
- 3) Тарихий шахслар ҳақида фақат субъектив фикрлар айтилган ёки улар ҳақида ҳеч нарса гапирилмаган.

Мазкур ҳолат иккинчи гуруҳга мансуб адабиётлардаги кўпчилик маълумот ва хулосаларни айнан танқидий нуқтаи назардан ўрганиш, баҳо бериш ва таҳлил қилиш лозимлигини англатади.

Учинчи гуруҳни Ўзбекистон мустақиллиги даврида яратилган ўзбек хонликларининг тарихига оид туркум адабиётлар ташкил этиб, унда хонликларнинг XVIII-XX асрлардаги марказий, маҳаллий, ҳарбий ва диний ҳокимиятининг маълум жиҳатлари илмий ҳолислик, тарихийлик нуқтаи назаридан тадқиқ этилди.

Тўртинчи гуруҳни хорижий тиллардаги адабиётлар туркумини М.Олдворт, Б.Манс, Ю.Брегель, С.Ливай, Л.Нейби² ва бошқаларнинг асарлари ташкил қилади. Мазкур олимларнинг тадқиқот ишлари хусусида айрим маълумотлар диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳида эслаб ўтилган.

Юқорида билдирилган фикрлардан келиб чиқиб ҳамда мавзу тарихшунослиги таҳлиliga асосланиб айтиш мумкинки, XVIII-XX аср бошларида ўзбек хонликларининг марказий, маҳаллий, ҳарбий ва диний ҳокимиятини тадқиқ этиш бугунги кунга қадар алоҳида илмий иш мавзуси бўлмаган ва умумлаштирилган ҳолда махсус диссертациявий тадқиқот сифатида ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.

Диссертация иши Қарши давлат университетининг Педагогика институти “Гуманитар фанлар” кафедрасида ўрганилаётган “Марказий Осиё давлатларининг бошқарув тарихи” бўйича илмий истиқболли режаси асосида бажарилган.

²Holdwort M. Turkestan in the nineteenth century. A Brief History of the khanates of Bukhara, Kokand and Khiva. – Oxford, 1959. – 350 p.; Central Asia in historical perspective / Ed. By Beatrice Mans. – Oxford: West viw press, 1994. – 123 p.; Bregel Y. Khoqand Khanate / The Oxford Encyclopedia of the modern Islamic world. J.L. Esposito (ed.). Vol. 2. – Oxford, 1995. – P. 430-431; Шу муаллиф. Bibliography of Islamic Sentral Asia. – Indiana, 1995. – P. I. – P. 1 –712; – P. III. – P.1892-2049; Scott C. Levi. The Fergana Valey at the Crossroads of Word History: The Rise of Khoqand. 1709-1822 // Journal of global History. – 2007. – Vol. 2. – № 2. – P. 12-23; Newby L. J. The Empire and the khanate: A political history of Qing relations with Khoqand. 1760-1860. – Leiden, 2005. – 180 p.

Тадқиқотнинг мақсади.

XVIII-XX аср бошларида Марказий Осиё давлатларининг бошқарув тарихини илмий таҳлил қилиб, уни Ўзбекистон давлатчилиги тарихида тутган ўрнини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

XVIII-XX аср бошларида ўзбек хонликларининг марказий бошқарув тарихини ўзига хослиги масалаларига аниқлик киритиш;

хонликлардаги маҳаллий, яъни маъмурий бошқарув: юқори ва қуйи идоралар муносабатларини таҳлил этиш;

ўрганилаётган давр хонликларидаги ҳарбий унвон ва мансабларнинг давлат бошқарувидаги аҳамиятини тадқиқ этиш;

хонликларда ҳарбийлар иерархиясини илмий-қиёсий таҳлил қилиш;

хонликларда диний унвон ва мансабларнинг бошқарувдаги ўрнини очиб бериш;

хонликлардаги диний ташкилотлар бошқарувининг ижтимоий-маънавий аҳамиятини ёритиш;

хонликларнинг давлат бошқарувидаги диний унвон ва мансаблари масаласига аниқлик киритиш;

тадқиқот натижасида қўлга киритилган маълумотлар асосида XVIII-XX аср бошларида ўзбек хонликларининг марказий бошқарув тарихини ёритиб берадиган диссертациявий тадқиқот яратиш;

XVIII-XX аср бошларида ўзбек хонликларининг марказий бошқаруви тарихидаги ўзига хос хусусиятларини ўрганиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Марказий Осиё давлатларининг XVIII-XX аср бошларидаги бошқарув тарихи, яъни марказий, маҳаллий, ҳарбий ва диний ҳокимиятининг ўзига хос хусусиятлари танланган.

Тадқиқотнинг предметини Марказий Осиё давлатларининг XVIII-XX аср бошларидаги бошқарув тарихи, яъни марказий, маҳаллий, ҳарбий ва диний ҳокимияти каби масалалар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари.

Тадқиқотда кўрилаётган масала тарихшуносликни ўрганиш ва таҳлил қилиш, муаммони ёритишда тарихий, хронологик изчилик, муаммовий-худудий ёндашув, тарихий ва ёзма манбалар маълумотларини умумлаштириш ва қиёсий, тизимли таҳлил, мавзу бўйича илмий қарашлар ва концепцияларнинг қиёслаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тарихчи, шоир ва таржимонлар бирлашиб, уларнинг тарихий ва адабий асарлари бир жойга тўпланган ҳолда, улардан нусхалар кўчирилгани, кўп сонли манбалар шарқ тилларидан ўзбек тилига таржима қилинганини тарихнавислардан Муҳаммад Ҳакимхон тўра, Аваз Муҳаммад Аттор Ҳўқандий, Мирзо Олим, Огаҳий, Баёний, Мунисларнинг асарлари қиёсий таҳлиллар асосида далилланган;

марказий ҳокимиятда амалга оширилган муҳим ўзгаришлар, сулола вакиллари, кўнғиротлардан Муҳаммад Раҳимхон I, манғитлардан амир Ҳайдар, амир Шоҳмурод, амир Насрулло, минглардан Олимхон ва Умархонларнинг ислоҳотлари, унинг ўзига хос жиҳатлари аниқланган;

марказий ва маҳаллий бошқарувдаги сарой унвон ва мансаблари ҳамда мартабаларига қараб улар ижрочиларининг вазифалари Бухоро қозикалони Садри Зиё, тарихнавислардан Баёний, Мирзо Олим Маҳдумхожа каби муаллифлар асарлари асосида исботланган;

Марказий Осиё хонликларида давлат бошқарув органлари ва уларнинг тузилиши, функциялари, мансабдор шахсларнинг номларини билдирувчи кушбеги ёки кўшбеги, чухрабоши ёки чухраоғоси ҳамда ҳарбий ёки диний мансабга қиёсланган нақиб каби атамаларга аниқликлар киритилган;

Муҳаммад Балжувоний, Мунис, Огаҳий ва Мулла Олим Маҳдум Ҳожиларнинг асарларида хонликлардаги ҳарбийларнинг иерархияси бўйича маълумотлар асосида уларнинг фарқлари, хусусан, амирликда тўпчибоши, додхоҳ даражасидаги мансабдорлардан тайинланиши, иноқ эса, ўзбек қабиласи бошлиғининг номи бўлмаганлиги асослаб берилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон тарихининг ўрта асрлар даври Марказий Осиё давлатларининг XVIII-XX аср бошларидаги марказий, маҳаллий, ҳарбий ва диний бошқарувлари каби йўналишлар кесимида амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Марказий Осиё давлатлари бошқаруви тарихи қиёсий ўрганилиб, бу даврга оид илмий адабиётлардаги хонликларга оид мавжуд маълумотлар тизимлаштирилган, кам ўрганилган жиҳатлари (архив маълумотлари, қўлёзма асарлар, тарихий география, давлат бошқарувида оид маълумотлар ва ҳ.к.) бўйича хулосалар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда тарих ва тарихшунослик фанида тан олинган ёндашув ҳамда усуллар қўлланилгани, кўп турдаги тарихий-илмий адабиётлардан фойдаланилгани, асосий тарихий манбалар ҳамда маълумотларнинг тизимлаштирилгани ва умумлаштирилгани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўрта асрлар ўзбек хонликларининг давлат бошқаруви тарихи, хусусан, шаклланиши, ривожланиши ва ўзига хос хусусиятларини тарихий-қиёсий, муаммоли-хронологик усуллар ҳамда объективлик тамойили асосида тузилмавий-тизимли таҳлил асосида ёритилганлиги туфайли улардан мазкур муаммога оид назарий хулосаларни мукамаллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ўзбек хонликларининг XVIII-XX аср бошларидаги давлат бошқаруви тарихи, хусусан, марказий,

маҳаллий, ҳарбий ва диний соҳалари бўйича тарихий маълумотлар билан бойитишга, шунингдек, олий ўқув юрти тарих йўналиши талабалари учун “Бухоро хонлиги давлат бошқаруви тарихи”, “Хива хонлиги давлат бошқаруви тарихи”, “Қўқон хонлиги тарихи“ курслари бўйича махсус курслар, шу билан бирга, Ўзбекистон тарихининг тегишли бўлимларини яратишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Марказий Осиё давлатларининг бошқарув тарихи (марказий, маҳаллий, ҳарбий, диний ҳокимият (XVIII-XX аср бошлари)) мавзусига доир олинган илмий натижалар ва амалий таклифлардан:

Марказий Осиё давлатларининг бошқарув тарихи (марказий, маҳаллий, ҳарбий, диний ҳокимият (XVIII-XX аср бошлари)) мавзуси бўйича олинган илмий натижалар Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетиди жамоатчилик асосида бажарилган ОТ-Ф1-109 “Ўзбекистонда ер-сув муносабатлари тарихи (қадимги даврдан ҳозирги кунгача)” мавзусидаги амалий тадқиқотлар дастури лойиҳаси доирасида қўлланилган (Ўзбекистон миллий университетининг 2020 йил 17 мартдаги 02-538-сон маълумотномаси). Натижанинг қўлланилиши Марказий Осиё давлатлари давлат бошқарувида суғориш тизими ва ер эгаллиги муносабатларининг ўрни бўйича маълум бир илмий аниқликлар киритишга имкон берган;

Марказий Осиё давлатларининг бошқарув тарихи илмий натижаларидан Қашқадарё вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи ва Қашқадарё вилоят маданий мерос агентлиги воҳанинг ўрта асрлар ўзбек давлатчилигидаги ўрни, шаклланиш даври ва ривожланиш босқичлари, шунингдек, марказий бошқарувдаги ислохотлар бўйича таклиф ва ечимларидан амалиётда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги хузуридаги маданий мерос агентлигининг 2022 йил 24 январдаги 01-01/237-сон маълумотномаси). Натижанинг қўлланилиши Қашқадарё воҳасининг ўрта асрларда Бухоро хонлигининг сиёсий бошқарувдаги ўрнини очиб беришга хизмат қилган;

Ўзбекистонда илк давлатларнинг пайдо бўлишидан мустақилликкача бўлган тарихий жараёнлар таҳлил қилиниб, хусусан, Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларидаги марказий бошқарувнинг шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқлиги бўйича олинган натижалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston tarixi” телерадиоканалининг 2020 йил 27-28-29 декабрдаги “Экспедиция” кўрсатувида тадқиқотга тортилган мавзу юзасидан суҳбат бўлиб ўтди ва мазкур материаллардан кўрсатувлар (3 қисмли) сценарийларида фойдаланилди (“O‘zbekiston tarixi” телеканалининг 2021 йил 30 ноябрь 01-14-1815 сонли далолатномаси). Натижада телетомошабинлар ўзбек хонликлари давлатчилигининг шаклланиш омиллари, маҳаллий ва маъмурий бошқаруви, аҳолининг турмуш тарзи ва улар борасида олиб борилган тадқиқотлар, уларнинг бугунги кун учун аҳамияти тўғрисида маълумотларга эга бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси.

Тадқиқот натижалари илмий-амалий ва илмий-назарий конференцияларда, шу жумладан, 18 та республика ва 4 та хорижий конференция ва семинарларда ўз аксини топган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.

Диссертация мавзуси бўйича жами 34 та илмий иш нашр этилган. Шундан 1 та монография, 1 та услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, хорижий журналлар ва конференцияларда 6 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.

Тадқиқот кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 195 varaқни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий тадқиқотлар шарҳи амалга оширилган, мавзунинг ўрганилганлик даражаси, унинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги баён қилинган, ишнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгиланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ҳамда асосий тадқиқот усуллари кўрсатиб берилган, олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Марказий Осиё давлатлари бошқарув тарихининг манбашунослик ва тарихшунослик масалалари”** деб номланган биринчи бобида дастлаб қўйилган масаланинг манбашунослик ва тарихшунослик таҳлили амалга оширилган. Унда ўзбек хонликлари тарихнавислик мактабига мансуб бўлган муаллифларнинг турли йўналиш ва тилларда ёзилган бир қатор асарлари мазкур ишнинг манбавий асосини ташкил этди. Хусусан, уларни форс-тожик ва эски ўзбек (туркий) тилидаги манбалар, шунингдек, сайёҳларнинг кундаликларига бўлиб таҳлил қилиш мумкин.

Аксарият муаррихлар темурийлар тарих мактаби анъаналарининг давомчилари бўлиб, асарларнинг кўпчилиги ҳукмдорларнинг ҳаёти ва фаолиятини ёритиш билан бирга уларнинг сиёсий тадбирлари, ҳарбий юришлари ёки дин пешволари билан муносабатларини тавсифлаш билан чекланиб қолган. Форс-тожик тилида ёзилган манбаларда мавзуга доир баъзи

маълумотларни учратиш мумкин³. Хонликлардаги ҳарбий ҳолат ҳақида маълумот берувчи мазкур манбаларга Мулло Шодийнинг “Фатҳнома”⁴, Камолиддин Биноийнинг “Шайбонийнома”⁵, Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳхоннинг “Меҳмоннома-йи Бухоро”⁶, Гиёсиддин Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сийар”⁷, Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий”⁸, Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ”⁹, Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Шарафнома-йи шоҳий”¹⁰, Муҳаммадёр ибн Араб Қатағаннинг “Мусаххир ул-билод”¹¹, Маҳмуд ибн Валининг “Баҳр ул-асрор”¹² асарларини мисол қилиб келтириш мумкин. Туркий тилда ёзилган баъзи манбаларда ҳам хонликдаги ҳарбий ишга доир бир қатор маълумотлар учрайди¹³.

Тадқиқотни ёзишда Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивининг И-126 фонди, яъни Бухоро амирлиги қушбегиси канцеляриясида

³Муҳаммад Ҳайдармирзо. Тарихи Рашидий / В. Раҳмонва Я. Эгамов таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2010. – Б. 56. Гиёсиддин Хондамир. Ҳабиб ус-сийар фи ахбори афроди башар / Форс тилидан таржима, муқаддима муаллифи Ж.Ҳазратқулов, И.Бекжонов. – Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – Б. 45; Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдуллонома / Форс тилидан С.Мирзаев таржимаси. Илмий муҳаррир, нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Б.Аҳмедов. – Тошкент: Шарқ, 1 китоб, 1999. – Б. 78; 2 китоб, 2000. – Б. 96; Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод / Форс тилидан таржима, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари И.Бекжонов, Д.Сангирова. – Тошкент: Шарқ, 2009. – Б. 84; Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. – Тошкент: Ўқитувчи, 2001. – Б. 199-246.

⁴ Асар 1502 йилда ёзилган бўлиб, унда 1451 йилдан то 1501 йил июнигача Ўзбек улуси ва Мовароуннаҳр худудиди юз берган муҳим ҳарбий-сиёсий воқеалар кенг ёритилган (*Қаранг*: Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. – Тошкент: Ўқитувчи, 2001. – Б. 199).

⁵ Биноий К. Шайбонийнома // Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия. XVI-XIX асрлар. – Toshkent: Fan va texnologiya, 2014. Асар 1505-1507 йилларда ёзилган. Биноий шайбонийларнинг қалъаларни қамал қилиш тадбирлари, кўшиннинг моддий таъминоти ва ҳарбий анжомлари ҳамда уларнинг жангдан бўш пайтлардаги машғулотлари хусусида маълумотлар келтириб ўтган (*Қаранг*: Ўша асар. – Б. 9, 10, 11).

⁶ Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон Исфохани. Михман-нама-йи Бухара (Записки бухарского гостя) / Пер., предисловие и прим. Р.П.Джалиловой. – М.: Наука, 1976. Асар 1509 йилда ёзилган бўлиб, у XVI аср бошларида Мовароуннаҳр ва Хуросондаги ҳарбий-сиёсий жараёнлар тарихини ўрганишда муҳим ўрин тутади.

⁷ Гиёсиддин Хондамир. Ҳабиб ус-сийар фи ахбори афроди башар. Форс тилидан таржима, муқаддима муаллифи Ж. Ҳазратқулов, И. Бекжонов. – Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – Б. 188 – 190. Асар 1520-1524 йилларда ёзилган бўлиб, унда шайбонийларнинг ҳарбий тактикалари ва ҳарбий мансаблар ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд.

⁸ Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Тарихи Рашидий. В. Раҳмон ва Я. Эгамов таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2010. – Б. 200. Асар 1541-1546 йилларда ёзилган бўлиб, ундан Бобурнинг Шайбонийхон ҳамда шайбоний султонлар билан олиб борган курашларига доир маълумотлар ўрин олган (*Қаранг*: Ўша асар. – Б. 243, 347, 348, 349, 350).

⁹ Зайниддин Маҳмуд Восифий. Бадоеъ ул-вақоеъ / Форс тилидан Н. Норқулов таржимаси. – Тошкент: “Ғафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти”, 1979. Асар 1532 йилда ёзилган ва унда мавзуга доир Убайдуллоҳоннинг жанглари ҳақида маълумотлар берилган.

¹⁰ Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдуллонома. 1 ва 2 китоблар. Асар 1584-594 йилларда ёзилган. Унда ҳарбий кўрик, куролланиш, таъминот, қалъалар тавсифи, қамал, мудофаа, жанг усуллари, ҳарбий мансаблар, ҳарбий кўмондонлар фаолияти, ўт очар куроллар ҳамда уларни ишлатадиган муҳандислар, ҳарбий машғулотлар хусусидаги қимматли маълумотларни учратиш мумкин.

¹¹ Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод. Унинг аксарият маълумотлари “Абдуллонома”, қолганлари “Ҳабиб ус-сийар”, “Меҳмоннома-йи Бухоро”дан олиб ёзилган. Унда кўшин, унинг қисмлари, ҳарбий атамалар ҳақида тарихий фактлар, қизиқарли маълумотлар мавжуд.

¹² Заҳриддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Ўқитувчи, 2008. – Б. 45; Таворихи гузида – Нусрат-наме / Исследование, критический текст, аннотированное оглавление и таблица сводных оглавлений А.М. Акрамова. – Ташкент: “Фан”, 1967. – Б. 65; Муҳаммад Солих. Шайбонийнома. – Тошкент, 1990. – Б. 28; Абдуллоҳ Насруллоҳий. Зубдаг ул-осор. ЎзРФА ШИ. Инв. № 608; Абулғозий Баҳодирхон. Шажараи турк. – Тошкент: “Чўлпон”, 1990. – Б. 78.

¹³ Замонов А. Бухоро хонлигининг кўшин тузилиши ва ҳарбий бошқаруви (XVI аср). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2018. – 28 б.

сақланаётган ҳужжатлар мавзу тадқиқоти учун муҳим манба бўлиб хизмат қилди. Мавжуд фонднинг 1505-ишдан то 1652-ишгача Бухоро амирлиги ҳарбий унвон ва мансаб эгалари, уларни тайинлаш, маош белгилаш, мансабдорлар номлари, 1519-1565-ишлар Бухоро амирлиги қўшини таркиби масалалари, 1566-1601-ишлар қўшинлар маоши, 1602-1612-ишлар ҳарбийлар казарма ва қўналғалар, 1613-1615-ишлар қўшинни улов воситалари билан таъминлаш, 1616-1628-ишлар қўшин ичидаги касаллик, таътил бериш, сарбозларни бир ердан иккинчи жойга қўчириш, сарбозликдан бўшатиш ва янги қабул қилиш масалалари, 1629-1631-ишларда қўшин сафидан қочиш (дезертирство), 1632-1637-ишлар амирликка тегишли ҳарбий гарнизонлар, 1640-1642-ишлар аскарларнинг шикоят ва аризалари, 1643-1652-ишлар эса амирлик ҳудудини кўриқлаш хизмати масалаларини ўз ичига олган муҳим тарихий ҳужжатлар мажмуи ҳисобланади.

Қўқон тарихнавислиги мактабида Тойиб номи билан машҳур мулло Муҳаммад Юнусжон Шиғовул катта мақомга эга бўлган вакиллари билан биридир. У бир қанча тарихий асарларнинг муаллифи бўлиб, хонлик даврида Алиқули амирлашкар (1830 йил 11 май, 1865 йил)нинг муовини, Россия империяси Тошкентни босиб олгандан сўнг Шарқий Туркистонда Ёрканд ҳокими бўлган, 1877 йилдан кейин Қўқонга қайтиб, қози лавозимида ишлаган¹⁴. Уни “Тухфайи Тойиб”¹⁵ ва “Тарихи Алиқули амирлашкар”¹⁶ асари Қўқон тарихнавислигининг йирик асарларидан биридир.

Аслида, мавзунинг манбашунослиги ва тарихшунослиги алоҳида бир тадқиқот йўналишини ташкил қилиши ҳам мумкин. Хива хонлигининг давлат бошқаруви, сиёсий, иқтисодий ва этномаданий муносабатларини ўрганишга биринчи навбатда маҳаллий тарихчилар асарлари муҳим манба бўлади. Улар орасида Хива тарихнавислик мактабининг вакиллари асарлари катта ўрин эгаллайди. Булар орасида Ўтемиш хожи, Абулғози Баҳодирхон¹⁷, Мунис¹⁸, Огаҳий¹⁹, Баёний²⁰, Комёб²¹ асарларини тилга олиш мумкин.

Ушбу бобнинг иккинчи қисмида Марказий Осиё хонликлари давлат бошқаруви тарихининг тарихшунослиги илмий таҳлил қилинган бўлиб, бунда Марказий Осиё хонликлари давлат бошқаруви тарихини ўрганиш XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб бугунги кунгача тарихчилар эътиборидаги масалалардан бири сифатида тадқиқот объекти ҳисобланганлигига асосий эътибор қаратилди.

¹⁴ Унинг ҳаёти ва илмий мероси ҳақида қаранг: Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши. XIX аср – XX асрнинг бошлари. – Тошкент, 1998. – Б. 238-250.

¹⁵ Муҳаммад Юнус Ходжа, Муҳаммад Амин Ходжа (Тойиб). Тухфайи Тойиб / Подготовка к изданию и предисловие: Б.М.Бабаджанов, Ш.Х.Вахидов, Х.Коматцу. – Ташкент – Токио, 2002. – 46 с.

¹⁶ Муҳаммад Юнусжон Шиғовул. Тарихи Алиқули амирлашкар // Шарқ Юлдузи, – Тошкент: 1994, № 1-2, – Б. 12-16.

¹⁷ Абулғози Баҳодирхон. Шажарайи турк. – Тошкент: Чўлпон, 1992. – Б. 45.

¹⁸ Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-икбол / Араб ёзувидан таъдил этган, кириш ва изоҳлар муаллифлари Ш.Воҳидов, И.Бекчанов, Н.Полвонов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – 520 б.

¹⁹ Муҳаммад Ризо Огаҳий. Асарлар. 6 жилдлик. – Ташкент: Фафур Фулом, 1977. – Б. 69.

²⁰ Муҳаммад Юсуф Баёний. Шажарайи хоразмшоҳий. – Тошкент: Фафур Фулом, 1994. – 104 б.

²¹ Сайид Ҳамиджон гўра Комёб. Таворихи ул-хавоқин. – Тошкент: Академия, 2002. – Б. 74.

Ҳозирги кунгача ўзбек хонликлар тарихи бўйича амалга оширилган ва яратилган илмий асарлар ҳамда илмий тадқиқотларнинг салоҳияти жуда катта бўлиб, кейинги икки аср мобайнида хонлик тарихини ўрганишда турлича ёндашув ва муносабатлар, айрим вақтларда тарихий жараёнлар ва тарихий воқеликни объектив баҳоламаслик ҳолатларига йўл қўйилган. Бу эса хонликлар тарихини тарихшунослик нуқтаи назаридан чуқур таҳлил қилишни талаб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда XIX асрнинг дастлабки чорагидан бошлаб бугунги кунгача тарихчилар эътиборини ўзига жалб қилиб келаётган ўзбек хонликлари тарихининг ўрганилишини мавжуд илмий тадқиқотларнинг йўналиши, давр ва бошқа хусусиятларига кўра бир неча гуруҳга бўлиб кўриб чиқишни талаб этади.

Хусусан, рус тилида ёзилган Ф.Назаров, Г.Потанин, Н.Северцов, И.Веселовский, М.Венюков, А.Семенов, А.З.Валидий (Тўғон), Ч.Валихонов, В.Вельяминов-Зернов, А.Гейнс, В.Григорьев, М.Галкин, А.Зимин, А.Мидендорф, В.Наливкин, Н.Петровский, Н.Пантусов ва бошқаларнинг ишларида хонликнинг сиёсий, ижтимоий, маданий ҳаёти ва унинг халқаро алоқалари ҳақидаги маълумотлар берилган²².

Ушбу маълумотларни танқидий равишда жиддий ўрганиш ва уни қиёсий таҳлил қилиш бугунги куннинг талаби ҳисобланади. Айнан рус шарқшунос тарихчи олимларидан В.Бартольд, В.Пяньков, Н.Остроумов, В.Наливкин, В.Веселовский, Е.Т.Смирнов, М.А.Терентьев, К.К.Абаза, Н.Дингельштед,

²²Веселовский Н.И. Прием в России и отпуск Среднеазиатских послов в XVII и XVIII столетиях. – Санкт-Петербург, 1884. – С. 23; Венюков М.Н. Поступательное движение России в Средней Азии // Сборник Государственных знаний. Т. III. – Санкт-Петербург, 1877. – С. 32; Семенов А. Изучение исторических сведений о Российской внешней торговле, о промышленности с половины XVII-го столетия по 1858 г. Ч. I-3. – Санкт-Петербург, 1859. – С. 30; Валидов А.З. Некоторые данные по истории Ферганы XVIII столетия // Протоколы Туркестанского Кружка Любителей Археологии. – 1916. – Вып. 2. – С. 68-119; Шу муаллиф. Восточные рукописи в Ферганской области // Записки Восточного Отделения Императорского Русского Археологического Общества. Т. XXII. – Пг., 1915. – С. 86-109; Валиханов Ч.Ч. Собрание сочинений. В 5-ти томах. Т. III. – Алма-Ата, 1985. – С. 43; Вельяминов-Зернов В. Исторические известия о Кокандском ханстве от Мухаммада-Али до Худаярхана // Записки Восточного Отделения Российского Археологического Общества. Ч. IV. – Санкт-Петербург, 1859. – С. 329-370; Шу муаллиф. Сведения о Кокандском ханстве // Вестник Имперского Русского Географического Общества. Отд. оттиск, 1856. – С. 328 – 456; Гейнс А.К. Управление Ташкентом при Кокандском владычестве. К характеристике администрации среднеазиатских городов // Гейнс А.К. Собрание литературных трудов. – Санкт-Петербург, 1899. – Т. II. – С. 413-536; Григорьев В.В. Ещё раз о Кокандских монетах и событиях // Туркестанский сборник. – Т. 189. – С. 60-71; Галкин М. Краткая записка об исторических правах России на Кокандские города Туркестан и Ташкент. // Туркестанский сборник. Т. 21. – С. 257-258; Зимин Л.А. Первые шаги Алимхана на государственном поприще // Протоколы Туркестанского Кружка Любителей Археологии. Отд. оттиск, 1913. – Вып. 17. – С. 721-728; Макшеев А. Показания сибирских казаков Милюшина и Баторошкина бывших в плену у кокандцев с 1849 по 1852 год // Вестник Русского Географического Общества. Отд. оттиск, 1856. – С. 21; Шу муаллиф. Исторический обзор Туркестана и наступательного движения в него русских. – Санкт-Петербург, 1890. – С. 376; Малицкий Н.Г. Ташкентские махалля и мауза. – Ташкент: САГУ, 1927. – 16 с; Шу муаллиф. К истории Ташкента под Кокандским владычеством // Протоколы Туркестанского Кружка Любителей Археологии. Отд. оттиск, 1900. – С. 126-137; Мидендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины // Перевод с немецкого В.И. Ковалевского. – Санкт-Петербург, 1872. – 604 с; Наливкин В. Краткая история Кокандского ханства. – Казань, 1886. – 215 с; Павлов Н.Г. История Туркестана в связи с кратким историческим очерком сопредельных стран. – Ташкент, 1910. – 128 с; Петровский Н. Очерки Кокандского ханства // Вестник Европы. – 1875. – Кн. 10. – С. 722-757; Пантусов Н. О податях и повинностях существовавших в бившем Кокандском ханстве в последнее время правления Худаярхана // Туркестанские Ведомости. – 1876. – С. 54; Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии с картами и планами. Т. I-III. – Санкт-Петербург, 1906. ва бошқалар.

Н.Павлов, А.Н.Макшеев, А.Н.Куропаткин, Е.Желябужский, А.И.Добромислов, Д.Л.Иванов ва бошқалар подшо Россияси томонидан Марказий Осиё хонликларининг босиб олиниши ва мустамлака қилиниши масалаларига доир бир қанча асарлар ёзиб қолдирганлигини кўришимиз мумкин²³.

Умуман, совет даври тарихшунослиги даврида В.В.Бартольд, И.П.Петрушевский, М.С.Иванов, Я.Ф.Ғуломов, П.П.Иванов, М.Р.Арунова ва К.З.Ашрафян, К.М.Муниров, О.Э.Эфендиев, А.Ф.Файзиев²⁴, А.Ф.Калужин, А.Баймурзин, Г.А.Пляшко, А.Попов ва бошқалар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда ва тарих китобларида ўзбек хонликларининг тарихи ва подшо Россияси томонидан унинг мустамлакага айлантирилиши масалалари қисман аввалги давр тадқиқотлари анъаналарини давом эттирган ҳолда, яъни воқеаларни манбалар ва архив ҳужжатлари асосида деярли объектив равишда ёритишга ҳаракат қилганлар²⁵. Тарихшунослик масалаларининг бу босқичидаги тарихий тадқиқотлар орасида Х.З.Зияев, Х.Ш.Иноятов, Р.Н.Набиев, А.Попов, Н.А.Халфин каби тадқиқотчиларнинг асарлари алоҳида ўрин тутди.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси таҳлили шуни кўрсатдики, Марказий Осиё давлатларининг бошқарув тарихи алоҳида тадқиқот объекти сифатида

²³ Бартольд В.В. Туземец о русском завоевании // Туркестанские ведомости. – 1898. – № 13, 14, 35, 37, 40; Туркестан. Соч. Т. III. – М., 1963; Коканд. Соч. III. – 1965; Пяньков В. Туркестанские дневники. – М., 1879. – С. 43; Остроумов Н. Константин Петрович фон Кауфман. – М., 1887. – С. 45; Наливкин В. Краткая история Кокандского ханства. – Казань, 1886. – С. 65; Веселовский В. Киргизский рассказ о русских завоеваниях в Туркестанском крае // Текст, перевод и приложения. – Спб., 1894. – С. 89; Смирнов Е.Т. Султаны Кенисара и Садык. Тип С.И.Лахтина. – Ташкент, 1889. – С. 64; Терентьев М.А. Россия и Англия. – М., 1879. – С. 45; Завоевания Средней Азии. Т. I-III. – М., 1906. – С. 89; Абаза К.К. Завоевания Туркестана. – М., 1902. – С. 69; Диваев А. Киргизские пословицы. – М., 1900. – С. 13; Дингельштед Н. Наши колонизации в Средней Азии // Вестник Европы. – 1892. – Кн. II – С. 231-237; Н.Павлов. История Туркестана (в связи с историческим очерком сопредельных стран: Персии, Афганистана, Белуджистана, Индии и Восточного Туркестана). – Т., 1911. – С. 138-167; А.Н.Макшеев. Исторический обзор Туркестана и наступительного движения в него русских. – Спб. 1890. – С. 235-254; Куропаткин А.Н. Завоевание Туркмении. 1889. – С. 102; Желябужский Е. Очерки завоевание Хивы. 1875. – С. 32; Добромислов А.И. Города Сырдарьинской области. – Т., 1912. – С. 98; Иванов Д.Л. Очерки военных действий в Средней Азии с 1847 по 1869 гг. – Т., 1879. – С. 70; Зимин Л.А. Первые шаги Алимхана на государственном поприще // Протоколы Туркестанского Кружка Любителей Археологии. Отд. оттиск, 1913. – Вып. 17. – С. 721-728; Малицкий Н.Г. К истории Ташкента под Кокандским владычеством // Протоколы Туркестанского Кружка Любителей Археологии. Отд. оттиск, 1900. – С. 126-137; Малицкий Н.Г. Ташкентские махалля и мауза. – Ташкент: САГУ, 1927. – С. 16; Павлов Н.Г. История Туркестана в связи с кратким историческим очерком сопредельных стран. – Ташкент, 1910. – 128 с.; Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии с картами и планами. Т. I-III. – Санкт-Петербург, 1906. ва бошқалар. Валидов А.З. Некоторые данные по истории Ферганы XVIII столетия // Протоколы Туркестанского Кружка Любителей Археологии. – 1916. – Вып. 2. – С. 68-119; Шу муаллиф. Восточные рукописи в Ферганской области // Записки Восточного Отделения Императорского Русского Археологического Общества. Т. XXII. – Пг., 1915. – С. 86-109. Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии с картами и планами. Т. I-III. – Санкт-Петербург, 1906. ва бошқалар.

²⁴ Бартольд В.В. Очерк истории туркменского народа // «Туркмения». – Л., 1929. Т. I. – С. 56-67; Шу муаллиф. Узбекские ханства / Сочинения. – Т. 2. – М., 1963. – С. 268-293; Гулямов Я. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. – Ташкент, 1957. – 313 с; Иванов П.П. Очерки по истории Средней Азии (XVI – середина XIX в.) – М., 1958. – 246 с; Муниров Қ. Мунис, Огахий ва Баёнийларнинг тарихий асарлари. – Тошкент, 1960. – 169 б.

²⁵ Калужин А.Ф. Из истории завоевания Узбекистана царской России // Труды Узб. гос. ун-та. – Самарканд, 1939. – Т. 16. – С. 109; Баймурзин А. Из истории захвата царизмом Большой и Средней Орды. // Изв. Каз филиала АН ССР. Серия история. Алма-Ата. 1940. – Вўп. I. – С. 95; Пляшко Г.А. К истории русско-английских отношений в Средней Азии. Дисс. канд.ист.наук. – Кировоград, 1953; Попов А. Из истории завоевания Средней Азии. – М. Л. Наука, 1940. – С. 71.

ўрганилмаган. Шу сабабли, ўта мураккаб бўлса-да, мазкур мавзунинг баъзи кирраларини ойдинлаштириш мазкур тадқиқотнинг асосий вазифалари ва мақсадининг шаклланишига туртки бўлди.

Мустақиллик йилларида амалга оширилган тадқиқотлар ўзининг холислиги, тарихийлиги, илмийлиги ва масалага объектив ёндашуви жиҳатлари билан хусусиятланади. Мустақиллик шароитида ўзбек тарихчилари чоризм ва шўролар давридаги тушунча ва тасаввурларни қайта таҳлил этиб чиқдилар. Ўзбекистон истиқлоли таъминланган бир даврда Республика халқлари тарихини ёритишдаги кўплаб хато ва камчиликларни тугатишга имконият яратилди. Хива хонлиги тарихи ва маданиятига доир диссертациялар ва бошқа тадқиқотлар амалга оширилди. Булардан М.Матниёзов, М.Маткаримов, А.Абдурасулов²⁶, М.Абдурахмонов, Э.Ахунджонов, М.Исмаилова, Г.Исмоилова, М.Мадаминов, М.Мамажонов, О.Масалиева, О.Муталов, С.Сабурова, Н.Полвонов, М.Қаюмов, К.Худойберганов, Ф.Эрназаров, У.Шерипов, С.Маткаримоваларнинг диссертация ишларини тилга олиш мумкин²⁷.

²⁶Матниёзов М. Хоразм тарихи. – Урганч, 2005. – Б. 50; Маткаримов М. Хоразм республикаси давлат тузилиши, нозирлари ва иқтисоди. – Урганч, 1993. – Б. 56; Абдурасулов А. Хива. Тарихий-этнографик очерклар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б. 96; О.Қўшжонов, Н.Полвонов. Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар. – Тошкент: Абу матбуот-консалт МЧЖ, 2007. – Б. 54. ва бошқалар.

²⁷Абдурасулов А. Социально-экономическая и культурная жизнь города Хивы в конце XIX – начале XX века. Автореф.дисс.канд.истор.наук. – Ташкент: ИИАНРУз, 1988. – С. 19; Абдурахманов М. Научная деятельность А.З.Валидова в Туркестане. Автореф. докт.ист.наук. – Ташкент: НУУ, 2005. – 46 с; Долимов С. Огаҳийнинг ҳаёти ва ижоди. Филол.фан.номзоди.дисс. – Тошкент: Ўз ФА ТАИ, 1962. – Б. 98; Жуманиёзова М.Т. Этнический состав и особенности материальной культуры населения Хорезмского оазиса в конце XIX – начале XX вв. Автореф.канд. ист.наук. – Тошкент: ИИАНРУз, 1998. – 28 б; Исмаилова Э.М. Рукописная книга Средней Азии позднего периода. Приемы декора. (XIX в.). Автореф.дис.докт.ист.наук. – Тошкент: ИВАНРУз, 1990. – 49 с; Исмоилова Г. Феруз даври Хоразм адабий мухити. Филол.фан.номзоди.дисс. – Тошкент, 1995. – 139 б; Комилов Н. Муҳаммадризо Огаҳийнинг таржимонлик маҳорати. Филол.фан.ном. дисс. – Тошкент: ИЯЛАНРУз, 1970. – Б. 69; Камилов Н. Хорезмская школа перевода (проблемы типологии и сопоставительное исследование истории перевода в XIX в.). Дисс.докт.филол.наук. – Тошкент: ИЯЛАНРУз, 1987. – 329 с.; Кушчанов Д. Из истории аграрных отношений в Хивинском ханстве в конце XIX – начала XX вв. Дисс.канд.истор.наук. – Тошкент: ИИАНРУз, 1966. – С. 259; Мадаминов М.Р. Қадимий ва Ўрта аср Хоразм пойтахт қалғалари ва уларнинг қурилиши тарихи. Тарих фан.ном.автореф. – Нукус: ККОАНРУз, 2004. – 26 б; Мамажонов М. Материалы по истории Хивинского ханства. Дисс.канд.истор.наук. – Тошкент, 1999. – С. 195; Масалиева О. XIX аср инглиз-америка тарихшунослигида Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари тарихи. Тарих фан.ном.дисс. – Тошкент: ИИАНРУз, 1999. – 160 б; Муталов О. Хива хонлиги Оллоқулихон даврида. Тарих фан. ном. дисс. – Тошкент: ЎзФАШИ, 2003. – Б. 150; Наврузов С. Социально-экономическая и культурная жизнь в Хивинском ханстве в исторической, историко-географической литературе XIX-XX вв. Дисс.канд.ист.наук. – Тошкент: ИИАНРУз, 1991. – 196 с; Полвонов Н.Т. Хоразмдаги ижтимоий ҳаракатлар ва сиёсий партиялар тарихи. (1900-1924). Тарих фан.ном.автореф. – Тошкент: ЎзМУ, 2005. – 32 б; Сабурова С. XIX аср ва XX аср бошларида Хива хонлигининг давлат тизими. Тарих фан.ном.дисс. – Тошкент: ЎзМУ, 2002. – 180 б; Худойберганов К. Паҳлавон Маҳмуд обидасидаги ёзувлар Хоразм тарихини ўрганишда манбаъ сифатида. Тарих фан.ном.автореф. – Тошкент: ЎзФАТИ, 2002. – 25 б; Шайхова А. Юридические документы как источник по истории социально-экономических (преимущественно аграрных) отношений в Хивинском ханстве в XIX – нач. XX вв. Дисс.канд.ист.наук. – Ташкент, 1989. – 170 с; Эрназаров Ф.Н. XIX аср охири – XX аср бошларида Хива хонлигидаги маданий ҳаёт. Тарих фан.ном.автореф. – Тошкент, 2005. – 26 б; Матякубова М. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг бошларида Хива хонлигида китобат ва кутубхона тарихи. Тарих фан.ном.автореф. – Тошкент: ЎзМУ, 2008. – 34 б.; Шерипов У. Хива хонлиги тарихи (1512-1920). Тарих фан.ном.дисс. – Нукус: ЎзФАҚҚБ, 2010. – 165 б.; Маткаримова С. М. Историография Хивинского ханства в период Кунградской династии (XIX – начало XX вв.). Автореферат дисс. канд.ист.наук. – Ташкент: ИИАНРУз, 2010. – 31 с.

Келтириб ўтилган асарлар билан бир қаторда хорижлик тарихчи олимлар асарларида ҳам XIX аср иккинчи ярмида Марказий Осиё давлатларининг давлат бошқаруви тарихи бўйича айрим масалаларга урғу бериб ўтилган. Хусусан, Марказий Осиё хонликларининг ҳарбий сиёсати ва уларни давлат аҳамиятига эга экани, шунингдек, марказий ва маҳаллий бошқаруви бўйича муҳим маълумотлар тақдим этади. Тоталитар тузум даврида мурожаат қилиш ва ўрганилиши таъқиқланган хориж тадқиқотчиларининг асарларида совет тадқиқотчилари учун мумкин бўлмаган тарихий таҳлилга кенг ўрин берилган, ҳамда тарихий жараёнларнинг асл моҳияти очик-ойдин ёритиб берилган. Бундай тадқиқотчилар ва уларнинг асарлари орасида Д.Бергхорн, Э.Бэкон, Р.Коннуэст, Э.Оллворт, Т.Рановски – Хармстоун, Л.Тиллет, Д.Уилер, Д.Хусон ва бошқаларни алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. Улар ҳақли равишда совет тарихшунослик фани ва унда йўл қўйилаётган ҳаддан ташқари мафкуравий ёндашишни қаттиқ танқид қилган эдилар²⁸.

Мустақиллик йилларида ўзбек хонликлари даври тарихини ёритишда бирламчи манбаларга, архив ҳужжатлари маълумотларига асосланиб, илмий адабиётлар, рисола ва мақолалар нашр қилинди, номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Тадқиқотларда хонликда кечган сиёсий жараёнлар, мамлакатда олиб борилган ислохотлар, маданият, ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдо, хонликларнинг хорижий давлатлар билан олиб борган дипломатик муносабатлари, шаҳарсозлик ва давлатчилик тарихига оид кенг доирадаги маълумотларни қамраб олган.

Диссертациянинг **“Марказий Осиё хонликларининг марказий ва маҳаллий бошқарув бўйича таҳлиллари”** деб номланган иккинчи бобида аввало, Бухорода марказий бошқарувнинг шаклланиши ва ривожланиши, шунингдек, маҳаллий-маъмурий бошқарувидаги юқори ва қуйи идораларнинг бошқарувдаги ўрнини ёритишга ҳаракат қилинган.

Тадқиқотда ўрганилаётган давр XVIII асрдан бошланган бўлса-да, воқеаларнинг тадрижий ривожини қамраб олиш ва акс эттириш мақсадида Бухоро хонлигининг марказий бошқарувининг шаклланиши ва ривожланиши масалаларига қисқача, экскурс тарзда тўхталиб ўтишни лозим топдик.

XIV асрнинг бошларида Мовароуннахрнинг Муҳаммад Шайбонийхон томонидан босиб олиниши бу ҳудудларнинг хон уруғи вакиллари бўлган ўзбек султонлари томонидан бўлиб олинишига сабаб бўлди. Айрим ҳолларда Шайбонийхон баъзи қабила бошлиқларига маълум мулкларни ҳам берган, XVI асрнинг 60-йилларидан бошлаб Бухоро Шайбонийлар давлатининг маъмурий-сиёсий маркази сифатида эътироф этилганидан сўнг қонун кучига эга бўлган барча ҳужжатлар Бухородан чиқарилган. Давлатдаги мураккаб

²⁸ Barghorn L. Soviet Russian Nationalism. – New York, 1956; J. Wheeter. The modern history of Central Asia. – London, 1964; E.A. Allworth. Uzbek Literary politics – New York 1964; E. Bacon. Central Asiens under Russians Rule. – New York, 1966; R. Conguest. Soviet Nationalities in Practice. – London, 1967; L. Tillet. The Great Friendship. Soviet Historians on the Non-Russian Nationalities. – North Carolina, 1969. Т. Rakovska-Harmstone. Russian and Nationalism in Central Asia. – Baltimore, 1970; D.Hooson. The Soviet Union. People and Regions – California, 1977 и др.

бошқарув аппаратини ташкил этган кўп сонли амалдорлар гуруҳи ҳам айнан Бухорода марказлашган.

Аштархонийларнинг давлат тизими ва маъмурий бошқаруви ўз тузилиши ҳамда мазмун-моҳиятига кўра, шайбонийлар даври давлатчилигидан деярли фарқ қилмас эди. Манбаларнинг маълумот беришича, XVII-XVIII асрнинг биринчи ярми давлат бошқарувида ҳокимият марказда ҳам, вилоятларда ҳам, асосан, бир идора – даргоҳда мужассамлашиб борган. Шунингдек, шайбонийлар даврида бўлгани каби аштархонийлар даврида ҳам давлат тизимида ўтроқ турмуш тарзи анъаналари билан бирга айрим ярим кўчманчиларга хос удумлар ҳам сақланиб қолган.

Бу даврда ҳам хон расман олий ҳокимият бошлиғи бўлиб, давлатдаги ички ва ташқи сиёсатга боғлиқ барча масалалар унинг ихтиёри билан ҳал этилган. Барча олий фармонлар хон томонидан жорий этилиб, унинг номидан тангалар зарб қилинар, хоннинг номи хутбага кўшиб ўқиларди. Аммо, амалдаги бошқарувда кўпгина аштархоний ҳукмдорлар саройдаги катта мавқега эга бўлган амалдорлар ҳамда йирик уламолар кўлида кўғирчоқ эдилар. Нодирмуҳаммад, Субҳонқулихон, Убайдуллахон каби хонлар марказий ҳокимият обрўсини кўтаришга, бебош амирлар мавқеини чеклашга ҳаракат қилган бўлсалар-да, уларнинг бу ҳаракатлари деярли самара бермади. Бу даврда марказий давлат бошқаруви сарой амалдорлари кўлида тўпланган бўлса, жойлардаги маҳаллий ҳокимият вилоят ҳокимлари ихтиёрида бўлган.

Аштархонийлар ҳукмронлиги йилларида ҳам нақиб, оталиқ, парвоначи, додхоҳ, девонбеги, қушбеги, чухрабоши, ясовул, иноқ, қурчи, ҳарбий қози, ҳарбий муфти, эшикоғабоши, мирзабоши, сарой кутубхонаси бошлиғи, дастурхончи каби лавозимлар мавжуд бўлгани маълум. Шу билан бирга уларнинг айримларида сифатий ўзгаришлар юз берганини ҳам таъкидлаш лозимдир.

Айрим олимларнинг тадқиқотларига кўра, оталиқнинг вазифаси XVI асрда асосан жойлардаги бошқарув тизими билан боғлиқ бўлса, аштархонийлар даврида, айниқса, Абдулазизхондан бошлаб, оталиқнинг марказдаги мавқеи кучая бошлади²⁹. Масалан, Абдулазизхон Бухоро тахтига чиққач, пойтахтдаги оталиқ вазифасини ўша пайтда энг кучли мавқега эга бўлган Ялангтўшбийга таклиф қилган. Оталиқнинг мавқеи Субҳонқулихон даврида ҳам баланд бўлиб, энг муҳим ҳарбий ишлар (масалан, хивалиқларнинг Бухорога таҳдидини қайтариш, Хуросон юриши) оталиққа юклатилган. “Убайдулланом” асарида оталиққа “умдат ал-умаро”, яъни “бутун амирлар табақасининг таянчи” деган таъриф берилган. Абулфайзхон давридаги оталиқ мансабида бўлган Ҳакимбий ва унинг ўғли Раҳимбийлар жуда катта мавқега эга бўлиб, улар охир-оқибат сулола вакилларида ҳокимиятни бутунлай тортиб олишга муваффақ бўлдилар.

²⁹ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 247.

Амирликдаги марказий давлат бошқарувида Бухоро шаҳри алоҳида ўрин эгаллаган. Жумладан, Бухоро шаҳри ҳокими амирнинг биринчи вазири ва бошқа вилоятлар бошқарувчиси ҳисобланган. Бухоро амири ҳузурида юқори лавозимдаги мансабдорлар билан бирга қуйи амалдаги мансабдорлар ҳам мавжуд бўлган. Амир фармонларини етказувчи парвоначи, амирга доимо ҳамроҳ бўлиб юрувчи ҳидоячи, амир маслаҳатчиси ва хорижий меҳмонларни кутиб олувчи шиғовул, амир осойишталиги ва тинчлигини муҳофаза қилувчи тонготар (тунқатор), амирга қаратилган салом ва таъзимларни қабул қилувчи жавобгар салом оғаси, амир дастурхонига жавобгар дастурхончи, амир сафари чоғида номозга чорловчи имоми жилов, амир сафари чоғида қонун билан шуғулланувчи муфти жилов, амир маслаҳатчилари гуруҳи жамъоға кабилар шулар жумласидан. Амирга бўлган садоқати ва хизмати учун алоҳида шахслар додҳоҳ, иноқ, тўқсабо, оталиқ, эшикоғаси каби унвонларга эга бўлганлар.

Мўғуллар даврида бўлиб ташланган, Темурийлар даврида гоҳ Самарқанд ва Бухоро, гоҳ Хуросонга бўйсунган Хоразм Шибон /Сибон/ Шайбонийхон (1505 йил) ва Исмоил Сафавий (1510 йил) босқинига дуч келиб, Шайбонийхон вафотидан сўнг тез орада озодлик учун курашни бошлади³⁰.

Бу вақтда Хоразм музофотининг бошқаруви шоҳ Исмоил Сафавий томонидан юборилган уч ноиб: Хива, Вазир ва Урганч ноиблари томонидан амалга оширилган эди³¹. Бу ҳақида “Шажарайи турк”да Абулғозий “Шоҳ Исмоил барча Хуросоннинг вилоятларина доруға юборди, Хоразмга уч доруға юборди. Бири Хевақ ва Ҳазорасбга, бири Урганчга ва бири Вазирга. Урганч ва Вазирга юборгани иккиси бир тукған эрди ва асли араб эрди. Урганчда турғанининг оти Субҳонкули ва Вазирда турғанининг оти Раҳмонкули эрди”,³² деб қайд қилиб ўтади. Мавжуд маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, Хоразмда бошланган озодлик курашига дастлаб дин арбоблари бошчилик қилган ва диний мафкуравий тарғибот ўз самарасини берган. Маълумки, ўша даврда ҳам Хоразм аҳолиси ислом динининг сунний оқимиغا мансуб бўлса, Эрон Сафавийлари эса шиа тарафдори эдилар. Диннинг мафкуравий ҳукмронлиги шароитида мазҳабларнинг турлича бўлгани Сафавийларнинг Хоразмдаги ҳукмронлик мавқеларига ўзининг салбий таъсирини кўрсатган³³. Натижада, Хоразм аҳолисини дин байроғи атрофида бирлаштириш имконияти юзага келган. Шу тариқа, Хоразмда 1511 йилда Мовароуннаҳрдаги Шайбонийлар давлати ва Эрон Сафавийлари таъсиридан

³⁰ Муниров Қ. Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарлари. – Тошкент: Фан, 1960. – Б. 6.

³¹ Мунис ва Огаҳий Фирдавс ул-иқбол / Араб ёзувидан табдил этган, кириш ва изоҳлар муаллифлари: Ш.Воҳидов, И.Бекчанов, Н.Полвонов. Масъул муҳаррир ва туркум муаллифи: Ш.Воҳидов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – Б. 78.

³² Абулғози Баҳодирхон. Шажарайи турк. – Б. 120.

³³ Бу хусусиятни Ўрта Осиёда Эрон таъсирини ва ҳукмронлигини ўрнатишга бўлган уринишларга қарши курашда анча самарали усул сифатида эътироф этиш мумкин.

мустақил давлат ташкил топди ва кейинчалик бу давлат Хива хонлиги деб атала бошланди.

Хива хонларидан Абулғозихон ҳокимият тепасига келган биринчи кундан бошлаб асосий эътиборни давлатни мустаҳкамлаш масаласига қаратди. У туркман зодагонларини давлат бошқаруви ишларидан четлаштирди. Уларнинг қўлларидаги мол-мулкларини, ер-сувларини тортиб олиб, ўзларини хонлик ичкарасидан қувғин қилди. Туркманлар Хуросонга, Жанубий Туркменистонга, Абулхон ва Мангишлоққа кўчиб кетишга мажбур бўлдилар³⁴. Хонликнинг барча юқори лавозимлари ўзбек ҳукмдорлари қўлига топширилди. Хива тарихчиси Муниснинг кўрсатишича, Абулғозихон маъмурий ислоҳот ўтказиб, хонликнинг марказий бошқарув тизимини батамом янгидан ташкил этди. У ўзбек зодагонларидан 360 кишини³⁵ хонликнинг турли лавозимларига тайинлади. Шулардан энг обрўли 32 кишига саройда ўз ёнидан ўрин берди³⁶.

Хива хонлигидаги унвон ва мансабларни сарой, ҳарбий ва диний унвон ҳамда амалларга бўлиш мумкин. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бу тасниф соф назарий бўлиб, аслида хонлик даврида муайян унвон ва мансаблар соҳалар бўйича берилмаган³⁷.

Ўзбекларнинг минг қабиласи (уруғи) бошлиқларидан бири Шоҳруҳбий асос солган Қўқон хонлигидаги давлат бошқарув тизими ўрта асрларда Мовароуннаҳрда ҳукм сурган мусулмон давлатлари бошқарув тизимидан фарқ қилмас эди. Хонликда Бухоро амирлигида бўлгани каби Амир Темур даврида шаклланган ҳамда шайбонийлар даврида қисман ислоҳот қилинган давлат бошқаруви ва тизими мавжуд бўлган. Хонликда энг олий ва марказий унвон хон унвони бўлиб, унинг ҳукумати чекланмаган. Фармон бериш ва унинг бажарилишини назорат этиш салоҳиятлари хоннинг қўлида бўлган.

Қўқон хонлигида, асосан, Олимхон, Умархон ва Муҳаммад Алихонлар даврида (1798-1842 йй.) давлат бошқаруви, ички ва ташқи сиёсат анча барқарор ҳамда нисбатан тинч ривожланган. Аммо XIX аср ўрталарига келиб Қўқон хонлиги инқирозга учрай бошлайди. Тадқиқотчилар ушбу инқирознинг асосий сабаблари сифатида ўтроқ халқ ва кўчманчи аҳоли ўртасидаги қарама-қаршилиқларни, ўзаро низо ва урушларни, хон тахти учун олиб борилган курашларни, Бухоро амири билан бўлган низолар ва душманликлар, сарой амалдорларининг хоинликлари қабиларни кўрсатадилар. Буларнинг натижасида иқтисодий ҳаётда тараққиёт пасайиб, ижтимоий тарқоқлик кучайиб борди ва давлат инқирозга юз тутди.

Хонликнинг минг қабиласидан бўлган ҳокимлар турли йилларда Шаҳрисабз, Ургут, Моғиён, Урмитан вилоятлари ва бекликларида ҳам ҳукм сурганлар. Олимхон давригача (1798 й.) минг уруғи бошлиқлари XIX аср бошларида бий унвони билан ҳокимиятни бошқарганлар. Олимхон 1805

³⁴ Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-икбол. – Б. 91.

³⁵ Ўша жойда.

³⁶ Ўша жойда.

³⁷ Воҳидов Ш.Х. Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигидаги унвон ва мансаблар. – Б. 7.

йилда ўзини расман хон деб эълон қилди. Хон унвони билан ҳокимиятни бошқарган Умархон (1810-1822 йй.) 1818 йилда ўзини “амир ул-муслимин” деб эълон қилди. 1822 йилда Муҳаммад Алихон ҳам хон унвони билан тахтга ўтирган³⁸.

Хон авлодлари хонзода, амирзода, мирзода, шахзода, тўра деб аталганлар. Хонликдаги давлат низоми мутлақ якка ҳокимлик бўлиб, хоннинг ўзи чекланмаган ҳокимиятга эга бўлса-да, маълум тарихий даврларда унинг салоҳияти ва ҳокимияти чекланиб, сарой амалдорлари ҳамда кўшин бошлиқларининг хонга таъсири кучли бўлган. Бунга Мусулмонқулининг мингбоши ва оталиқ бўлган даврини (Худоёрхон даврида, 1844-1852 йй.) ёки Алиқулининг амирлашқарлик ва вазирлик даврини (Султон Сайидхон, 1863-1865 йй.) мисол қилиб келтириш мумкин. Бу ҳолат хоннинг сиёсий куч қудрати маълум иқтисодий асосларга ҳамда маълум ижтимоий гуруҳлар фаолиятига боғлиқ бўлган дейишга асос бўлади.

XIX асрда Қўқон хонлиги манбаларда беклик, баъзан вилоят ва саркорлик сифатида тилга олинган маъмурий-худудий қисмларга бўлинган ва уларни хон томонидан тайинланадиган мос равишда беклар, ҳокимлар ва саркорлар бошқарган. А.Кун хонликдаги 15 та бекликнинг номини келтиради. Булар: Қўқон ва унинг атрофи, Марғилон, Шаҳрихон, Андижон, Наманган, Сўх, Маҳрам, Булоқбоши, Аравон, Балиқчи, Чортоқ, Навкат, Косон, Чуст ва Бобо дархон. Бошқа манбаларда Асака, Марғилон, Балиқчи, Ўш, Сўх, Косон ва Ўзган саркорлик сифатида ҳам тилга олинган.

Хонлик ҳаётининг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, давлат ишларига руҳонийларнинг таъсири Бухоро амирлигидагидек сезиларли даражада бўлмагани эди.

Диссертациянинг учинчи боби **“Хонликларнинг ҳарбий бошқаруви”** деб номланади. Унда ҳарбий унвон ва мансабларнинг давлат бошқарувидаги аҳамияти алоҳида комплекс тадқиқ этилган.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида профессионал армияни шакллантириш масаласи давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланган. “Мудофаа соҳасида олдимизда янги ва муҳим вазифалар турганини барчамиз яхши тушунамиз. Аввало, Миллий хавфсизлик концепцияси ҳамда Мудофаа доктринасининг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз керак”³⁹. Мазкур вазифаларни бажариш учун ўтмишда халқимиз ҳарбий санъатида катта ўрин тутган илғор анъаналарни ўрганиш ва керакли сабоқлар чиқариш катта амалий аҳамият касб этади.

Маълумки, Шайбонийхон асос солган давлат кўчманчи ва маҳаллий ўтроқ маданият негизида ташкил этилган бўлиб, ҳарбий амалдорларнинг

³⁸Воҳидов Ш., Холиқова Р. Марказий Осиёдаги давлат бошқаруви тарихидан. – Тошкент. Янги аср авлоди, 2006. – Б. 21.

³⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. 2017 й., 23 декабрь.

асосий даромади хон томонидан инъом этилган ер-мулклар ҳамда уларнинг ўзлари сотиб олган ерлар ҳисобидан шаклланган.

Манғитлар сулоласи ҳокимият тепасига келган дастлабки йилларда амирлик ўзининг мунтазам қўшинига эга эмас эди. Амирликда мавжуд бўлган оз сонли ҳарбийларнинг асосий вазифаси амир ва унинг аъёнларини кўриқлаш, ҳамда шаҳар осойишталигини таъминлаш ишлари билан характерланар эди⁴⁰.

XIX асрнинг 30-йилларидан бошлаб манғит амирлари ҳарбий соҳада жиддий ўзгаришлар амалга ошира бошлади. Бундай ислохотлар қисман бўлса-да, манғитлар сулоласи асосчиси Муҳаммад Раҳим томонидан олиб борилди. Бухоро амирлигининг ҳарбий қудрати, айниқса, Амир Насрулло ҳукмронлиги даврида ўзининг энг юқори нуқтасига етди.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек хонликларидан бири бўлган Хива хонлиги – Марказий Осиё тарихи, унинг ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳаёти ва халқаро муносабатларида катта из қолдирган давлат бўлиб, унинг ҳар бир ҳукмдори юритган ички ва ташқи сиёсат ҳамда унинг оқибатларини ўрганиш алоҳида илмий изланишлар олиб боришни тақозо қилади. Бу ўринда таъкидлаш лозимки, Хива хонлигининг айрим ҳукмдорлари даври сиёсий парокандалик, иқтисодий тушкунлик ва ўзаро урушлар билан изоҳланса, айрим ҳукмдорлари даври сиёсий барқарорлик, иқтисодий ривожланиш ва маданий ҳаётнинг тараққиёти билан изоҳланади.

Ҳарбий-сиёсий функциялар ташқи ҳарбий босқинлардан ҳимояланиш, ҳарбий қўшинларни ташкил этиш, воҳалар ҳудудларида мудофаа ишларини амалга ошириш, туман ва воҳалар ўртасида ўзаро алоқаларни ўрнатиш ҳамда мунозарали масалаларни ҳал қилиш каби вазифалар асосида шаклланиб ривожланган бўлиб, Хива хонлиги мисолида ҳарбий ҳолатнинг амалга оширилишини айрим манбалар асосида таҳлил қилиб кўриш мумкин.

Хонликдаги мавжуд амал ва мансаблардан баъзиларини батафсилроқ кўриб чиқиш мумкин. Хусусан, Мунис ва Огаҳий маълумотига қараганда “Бу уч шахс (меҳтар, қўшбеги, маҳрам) хон ҳузурида алоҳида ишончга эгадирлар ва улар хонликда муҳим ўринларни ишғол этадилар. Уларнинг ёнида биттадан мирзалари ва бир неча девонбегилари бўлади. Девонбегиларнинг мансаби паст даражада бўлиб, улардан югурдаклик ўрнида фойдаланилади ва ажнабий элчиларга миршаб қилиб қўйилади”⁴¹.

Қўшбеги, девонбеги, меҳтар ва ясовулбоши мансабларининг эгалари ҳарбий хўжалик ишларининг бошлиғи ёки айрим қисмларнинг қўмондони сифатида барча ҳарбий сафарларда қатнашганлар. Қўшбеги ва меҳтар

⁴⁰Воҳидов Ш. Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигида унвон ва мансаблар. – Тошкент: Янги авлод. 2002. – Б. 52. Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол. – Б. 91. Йўлдошев М. Кўрсатилган асар. – Б. 260. Костенко Л.Ф. Город Хива в 1873 г. – СП б., 1874. – С. 24. Иванов М.И. Сведения Хивинском ханстве // Манфактура и торговли. 1873. – №4. – С. 154. Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида унвон ва мансаблар // Шарқ юлдузи. 1995. – № 3, 4. – Б. 87. Сабурова С. XIX аср ва XX аср бошларида Хива хонлигининг давлат тизими. Тарих фан.ном.дисс. – Тошкент, 2002. – Б. 120 ва кейингилари.

⁴¹Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол. – Б. 91.

хоннинг алоҳида фармойиши билан, солиқнинг тушумига қараб маош олганлар.

Асрлар давомида шаклланган ҳарбий тизим ўзининг асосий хусусиятларини XVIII-XIX аср биринчи ярмида ҳам сақлаб қолган. Буни Қўқон хонлигида тадқиқотга тортилган давр чегарасида мавжуд бўлган ҳарбий мансаблар ва уларни эгалари вазифаларини таҳлил этиш орқали ҳам кузатиш мумкин. Гарчи, Қўқон хонлигидан олдинги даврларда Марказий Осиёда, хусусан, Амир Темур давлатида мавжуд бўлган ҳарбий бошқарув соҳасидаги махсус девон бўлмаган бўлса-да, турли тоифадаги ҳарбий амалдорлар бўлиб, давлат томонидан улар зиммасига юклатилган вазифалар аниқ тизимга солинган эди. Тарихий манбалар маълумотларига асосланган ҳолда Қўқон хонлигида уч тоифадаги – олий, ўрта, қуйи даражадаги ҳарбий мансаб ва унвонлар борлигини кузатиш мумкин.

Олий даражадаги ҳарбий мансаб ва унвонлар тоифасига – мингбоши, амирлашкар, кушбеги, ботирбоши, волий (ноиб), қалъабон, кўрбоши, ёвар, тўпчибоши, тўқсоба, понсодбошилар кирган.

Ўрта даражали мансаб ва унвонлар сирасига эса юзбоши, элликбоши, даҳбоши, қоровулбегиларни киритиш мумкин.

Қуйи даражадаги ҳарбий мансаб ва унвонлар аскар, сарбоз, навкар, мерган, маҳрам, ботур, жазоилчи, тўпчи, кўрчи, қоровуллардан иборат эди⁴².

Қўқон хонлигида ҳарбий бошқарув тизими кўп жиҳатдан Бухоро ва Хива хонликларидагига ўхшаш бўлса-да, унинг ҳам ўзига хос жиҳатлари бўлган.

Шунингдек, диссертациянинг ушбу бобида ҳарбийлар иерархияси: илмий-қийосий таҳлил қилинган. Барча соҳалар сингари ҳарбий соҳада ҳам амал ва мансабларга тайинлашда кўпроқ иқтидор ва қобилиятга қараб эмас, балки насл-насабга, бойлигига, ўрта асрчилик сарқитлари ҳисобланган уруғ-аймоқчилик ва маҳаллийчилик анъаналарига эътибор берилган. Хонликларнинг сарой унвонлари, уларнинг вазифалари бир-биридан фарқ қилса-да, айримларида (Қўқон хонлигида) маъмурий ва диний мансаб, унвонлар ҳарбий унвонларга аралашиб кетган. Бу хонликдаги ҳарбий мансаблар маъмурий бошқарувдаги мансаблардан ажралмаганидан далолат беради. Ҳарбий бошқарув тизими кўп жиҳатдан Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларида бир-бирига ўхшашлик бўлса-да, уларнинг ҳам ўзига хос жиҳатлари бўлган.

Кушбеги, девонбеги, оталик, парвоначи, додхоҳ каби мансабларнинг мавқеи юқори бўлгани ҳолда, Қўқон хонлигида уларга нисбатан айрим ҳарбий лавозим эгаларининг, хусусан, мингбошининг ўрни юқори бўлса, Бухоро хонлигида девонбегининг имкониятлари кўпроқ бўлган.

⁴²Турсунов Б. Қўқон хонлигида ҳарбий иш ва қўшин: ҳолати, бошқаруви, анъаналари (XIX асрнинг 70-йилларигача). Монография. – Наманган, 2014. – Б. 136.

Хонликларнинг ҳарбий бошқарувида марказлашган бошқарув тизими ўша давр ривожланган Европа давлатларидаги сингари йўлга қўйилмаган эди. Шундай бўлса-да, мансабдор шахслардан тортиб оддий аскаргача мамлакат хавфсизлигини таъминлаш учун бирдек хизмат қилган.

Марказий Осиё хонликларида ҳарбийларни тақдирлаш борасидаги анъаналарга кўра, жанглarda алоҳида хизмат кўрсатган ҳарбийлар, ҳарбий мансаб ва унвон эгалари маълум миқдорда пул, ер, мол-мулк ва қимматбаҳо буюмлар билан тадқиқланганлар.

Хонликларда қўшиннинг соғлигини таъминлаш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилган. Бу ўринда қайд этиб ўтиш керакки, ҳаракатдаги қўшиннинг талафот кўрган аскарларига тиббий ёрдам марказлашган тарзда амалга оширилган. Ҳарбий ҳаракатлар чоғида соғлигига зарар етган аскарларга даволаниш учун хон хазинасидан маълум миқдорда пул ажратилган.

Таркиби сифат жиҳатидан яхшиланган қўшиннинг тактик тайёргарлигига ҳам жиддий эътибор берилиб, чет эллик ҳарбий мутахассислар жалб қилинган. Гарчи ислохотлар ўз даврига нисбатан кечиккан ва яхши натижаларни бермаган бўлса-да, ҳокимиятнинг марказлашувига кўмаклашган, мамлакат ҳарбий қудратини сифат жиҳатдан янги даражага кўтарган омиллардан бири бўлди. Шунга қарамай, хонлик ҳарбий соҳасида қўлланилган қурол-яроғлар европача намуналардан орқада қолган бўлиб, замон талабларига жавоб бермас эди. Хонликда мавжуд қурол-яроғ ишлаб чиқарувчи устахона ва заводлар ҳам етарли даражада маҳсулот ишлаб чиқара олмас эди.

Қўқонда бир неча ҳарбий мансаб эгаларига улар хизмат қиладиган даста (полк) ва тўп (юзлик) раҳбарига 8 кунлик таътил берилар эди. Оддий аскарларга жанг бўлмаган пайтда имкониятга қараб, ҳар 10 кишидан бир кишига таътил берилган.

Қўқон қўшинида карнайчи, сурнайчи, ноғорачи, найчи, дўлчи ва бошқалардан иборат қўшин созандалари гуруҳи мавжуд бўлган. Уларнинг созларини чалишлари мамлакат ҳукмдорларининг ҳарбий юриши бошланганидан дарак берар, қўлга киритилган ғалабаларни тантанавор тусда аҳолига билдиришга хизмат қилар эди. Масалан, карнайчининг чалиши орқали созандалар ҳарбий ҳаракатлар давомида қўшинни тўпланишга чорлаганлар. Уларга ноғорачилар ва сурнайчилар жўр бўлишган. Қўшин турли қисмларининг ўз созандалари бўлган. Жумладан, XIX асрга оид маълумотларнинг кўрсатишича, Қўқонда сарбозлар қисмида ноғорачи сарбозлар бўлган. Шунингдек, Қўқон сарбозларининг ҳарбий тузилмаларида жуда катта ноғора-дўллар ҳам бўлган. Бундай мусиқа асбобига маҳсус дўлчўплар билан урилиб, садо чиқарилган.

Ўзбек хонликларида мамлакатнинг мудофаа қобилиятига салбий таъсир қилган омиллар мавжуд эди. Хонликлардаги ҳарбий иш ва қўшин тарихи таҳлили баъзи омилларнинг давлат ҳарбий қудратига салбий таъсир кўрсатганлигини таъкидлашга имкон беради. Хусусан, ҳарбий бошқарувда

анъанавий, содда услубнинг сақланиб қолганлиги. Бу даврда ҳарбий кучлар маҳаллий анъаналарга асосланган ҳолда бошқариларди. Хонликда Европа давлатлари ва Россиядаги сингари махсус ҳарбий маҳкамалар ва мураккаб бошқарув услуби мавжуд эмас эди. Кўп ҳолларда марказий ва маҳаллий бошқарув тизимида муҳим ўрин эгаллаган амалдорлар ҳарбий соҳада тажрибали бўлмасалар-да, улар маълум мансаб ва амалларга эга бўлганлар. Бу эса хонлик ҳарбий кучларининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатган.

Бу даврда хонликда ривожланган мамлакатларда фаолият кўрсатган ҳарбийлар тайёрлайдиган алоҳида замонавий олий ва ўрта махсус ўқув юртлари мавжуд бўлмаган. Анъанавий ҳарбий тайёргарликнинг бетартиб тарзда амалга оширилиши ҳамда унинг қисқа муддатда бўлганлиги, ҳарбий бошлиқларни тайинлаш ва ҳарбий бошқарув ўзбек хонликларида сақланиб қолган анъаналарга асосланганлиги, тайинловда меросийликнинг сақланиб қолганлиги иқтидорли саркардалар етишиб чиқишига тўсқинлик қилар эди. Шу билан бирга ҳарбий мансаблар маъмурий мансаблардан ажратилмаган.

Диссертациянинг **“Хонликларда диний унвон ва мансабларнинг бошқарувдаги ўрни”** деб номланган тўртинчи бобда диний ташкилотлар бошқарувининг ижтимоий-маънавий аҳамияти масаласи ёритиб берилган.

Тарихдан маълумки, XV асрнинг иккинчи ярми Марказий Осиёнинг исломий ҳаётида Хўжа Аҳрор фаолиятининг фаоллашуви билан изоҳланади. Кейинроқ эса, бу ҳудудлардаги маънавий-диний ҳаётда сўфийликнинг бир қатор йирик намояндалари шаклланади. Сиёсий ҳокимиятнинг шайбонийлар қўлига ўтиши натижасида теурийлар давридаги йирик диний уламолар янги диний вакиллар, хусусан, XVI аср иккинчи ярмидан бошлаб жўйбор шайхлари билан алмашади. Марказий Осиёда ўрта асрлар анъанавий жамиятларнинг ижтимоий таркиби турли ва мураккаб тузилишдан иборат ижтимоий табақа ва қатламлардан ташкил топган бўлган. Буларнинг орасида олий табақа ёки “олий насаб” гуруҳлар, руҳонийлар, савдогарлар ва бошқа ҳар бир қатламлар жамиятда муносиб ўринга эга бўлган. У ёки бу ижтимоий қатламларнинг вазифалари ва роли билан боғлиқ масалалар бугунги кунда Ўзбекистон тарихида ўз ечимини топмаган илмий муаммолар жумласига киради. Ушбу масалани Марказий Осиёда ўзига хос мавқега эга бўлган ўзбек хонликлари мисолида тадқиқ этиш янада муҳим аҳамият касб этади.

Марказий Осиё давлатларида диний ташкилотлар бошқарувининг ижтимоий-маънавий ҳаётга таъсири катта бўлган. Чунки Марказий Осиё давлатларида ислом дини жамиятнинг таянч мафкураси эди. Руҳонийлар ўз манфаатларидан келиб чиқиб, маънавий ҳаётнинг барча соҳаларини ислом ақидаларига тобе қилишга, дин ва шариат тамойилларини янада чуқурроқ сингдиришга интилар эдилар. Маданий ҳаётда юзага келган бундай вазият XIX асрдан хонликларда илм-фаннинг аҳволига, айниқса, бу соҳа ривожининг бир ёқламалилик хусусиятига сабаб бўлди.

Диссертациянинг ушбу бобда қозихоналар фаолияти ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари, диний унвон ва мансаблар илмий-қийёсий таҳлил асосида

фикр юритилган. Қайд этиб ўтиш жоизки, ўзбек хонликлари ичида динга мойиллик кўпроқ Бухоро давлатида кузатилиб, ҳар бир ҳукмдор ўз мансабини, хавфсизлигини диний ҳоқимият орқали ҳимояланишига ҳаракат қилар эди. Шунинг учун ҳам давлат сиёсатида руҳонийларнинг ўз ўрни бўлиб, ҳукмдор уларнинг фойдаси учун ҳам ислохотлар ўтказишга мажбур эди. Хусусан, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларида ижобий ўзгаришлар билан танилган ҳукмдор Амир Шоҳмурод ўзининг давлат бошқаруви жараёнида турли соҳада ислохотлар ўтказди. Масалан, ер, маъмурий, солиқ ислоҳоти кабилар. Бу ислохотлар ичида, айниқса, суд ислоҳоти диққатга сазовордир. Унга кўра, ҳар бир мусулмон, ҳатто қул ҳам қозига ўз шикоятни билан келишга ва ғайриқонуний иш қилаётган ўз хўжайинини жавобгарликка тортишга ҳақлидир.

Амир Шоҳмурод томонидан ўтказилган суд – ҳуқуқий ислохотларнинг муҳим жиҳати шундаки, бу даврга келиб қозининг ҳукмидан норози бўлган тараф қозикалонга ёки амирга шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлган⁴³.

Демак, илмий таҳлиллар шуни кўрсатадики, ўзбек хонликларида қозиларнинг чиқарган қароридан норози бўлганлар қозикалонга мурожаат қилган. Қозилар қатъий белгиланган ҳудудий бирлигига эга бўлишмаган. Ҳар бир даъвогар ўзи ишонган қозига мурожаат қилган. Қози суд мажлиси бошланишидан олдин томонларга келишиб олишни таклиф этган. Бу таклифдан бош тортилса, қози уларга қасам ичириб, томонларнинг арзини, гувоҳларнинг кўрсатмаларини тинглаган, сўнг қарор чиқариб, бу қарор маҳаллий ҳоқимият томонидан зудлик билан амалага оширилган. Одатда қозилар халқ ичидан чиққан обрў-эътиборли, ақлли, билимли шахс ҳисобланган.

Хивада давлатни бошқариш бўйича ислом дини мафкуравий асосни ташкил этган. Қонунлар шариат тартиб ва йўриқлари асосида амал қилган. Хива хонлигида айрим мансабларнинг лавозим ва вазифаларини таҳлил қилиб кўрганимизда тарихда айрим мунозарали мулоҳазаларнинг ечимини топгандай бўламиз. Хусусан, шайх ул-ислом хонликдаги энг юқори мартабали киши эди. У диний маросимларнинг аниқ бажарилиши устидан назорат қилган. Маросимлар пайтида шайх ул-ислом хоннинг ўнг томонида ўтириш ҳуқуқига эга бўлган.

Қози ул-қизот (қозикалон) – мусулмон ҳуқуқи ва қонунлар бажарилишини шариат асосида назорат қилган. Қозикалон пойтахтда ўз девони ва маҳкамасига эга бўлган. Вилоят марказларида ҳам вилоят қозиси бўлган. Улар маҳкамаларининг номи дор ул-қазо деб аталган. Лашкарлардаги қонун қоидалар кетидан қозиаскар (аскар қозиси) назорат қилиб, шаърий масалаларни ҳал этиб турган.

⁴³ А.Сагдуллаев ва б. “Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти”. – Тошкент: “Академия”, 2000. – 202 бет.

Муфти – қозиларнинг ҳуқуқшунослари ҳисобланган. Улар бирор иш кўрилаётган пайтда иштирок этишлари, ҳукмона тузишлари ва ҳукмларнинг тўғрилигини тасдиқлаш учун ҳужжатларга муҳрларини босишлари лозим эди. Хивада бош муфти еттига бўлиб, барча муфтиларнинг хон ёнида ўрни бор эди. Лашкарда ўзининг муфти лашкари хизмат қилган.

Аълам – муфтиларнинг бошлиғи ҳисобланган. Унинг вазифаси фатволарда келтириладиган шариат ривоятларини текширишдан иборат бўлиб, айрим ривоятларнинг асл нусхасига мослигини аниқлагач, аълам унга ўз муҳрини босган.

Раислар – шариат тартиб қоидалари, диний маросимлар – рўза, беш вақт намоз, таҳорат, хайри эҳсон ишларининг аниқ бажарилиши устидан назорат қилган. Ота оналар болаларини ўз вақтида мактабга юбориши, бозорларда сотувчилар харидорларни алдамаслиги, тарозиларни текшириб туриш ҳам раиснинг вазифаси бўлган. Ҳар бир шаҳар ва катта қишлоқнинг ўз раиси бўлиб, қозикалон тақдимиға мувофиқ хон томонидан тайинланган.

Қўқон хонлигида диний ва қозихона вазифаларига, асосан, ўтроқ халқлардан ўқиган, маълумоти бор кишилар танланарди. Мансабларнинг бир мартабасидан юқорисига ўтиш жуда ҳам қийин эди. Баъзан вазифалар меросий бўларди. XIX аср ўрталарида Қўқон хонлигида 350 тага яқин мактаб фаолият кўрсатган. Мактаблар шаҳар ва қишлоқлардаги масжидлар ёнида фаолият юритиб, уларнинг асосий вазифаси болаларга бошланғич билимлар беришдан иборат эди. Одатда, Марказий Осиё давлатларининг биз ўрганаётган давр мактабларида етти йил давомида болаларга, уларнинг тушуниш-тушунмаслигидан қатъи назар алифбе, Қуръон, абжад (араб рақамларини ёзув орқали ифода этиш усули), фарзи айн (имон, ибодат, таҳорат ва бошқа ислом дини арконларини ўргатадиган билимлар мажмуаси), Чаҳоркитоб (имон, ибодат, таҳорат ва бошқа ислом дини арконларини ўргатадиган билимлар мажмуаси), Хўжа Ҳофиз, Саъдий шеърлари, Сўфи Аллоҳёр (“Маслак-ул-муттақин” – Сўфи Аллоҳёрнинг асарларидан бири) ва Мирзо Бедил асарларидан савод ўргатилиши лозим эди. Ўзбек болалари кўпроқ бўлган мактабларда яна беш китоб – “Фузулий китоби”, “Лисон ут-тайр”, “Алишер Навоий девони”, Машрабнинг ижоди ўтилган.

XIX аср ҳолатида Хива хонлигида ҳам ислом дини руҳонийлари мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий ҳаётда катта таъсирга эга эди. Хива Бухородан кейинги ислом дини марказларидан бири саналарди. Шаҳарда 160 дан ортик масжид ва диндорларнинг қадамжосига айланган 60 дан зиёд авлиёнинг дахмаси мавжуд бўлган.

Подшо Россияси мустамлакаси даврида, 1867 йилги “Низом” лойиҳаси бўйича ўлкада қозилар ва бий судлари, уезд судлари, муваққат ҳарбий судлов комиссиялари, вилоят бошқарувининг суд бўлимлари ва генерал-губернаторлик Девонининг судлов бўлими ташкил қилинди. Суд ишларида маҳаллий аҳолининг ўтроқ қисми учун қози судлари, кўчманчи аҳолиси учун

эса бий судлари, волост бошлиқлари, қишлоқ оқсоқоллари, овул бошлиқлари ва уларнинг ёрдамчилари аҳоли томонидан уч йил муддатга сайланган.

Хонликларда давлат бошқаруви, молия, суд, миршаблик ва ҳарбий ишлар ҳукмдорнинг яқин қариндошлари, ўзига яқин одамлар томонидан бошқарилган. Улар ўз фаолиятларини бажаришда катта ҳуқуқ ва имтиёзларга эга бўлганлар.

Умуман олганда Марказий Осиё давлатларида диний ташкилотлар бошқарувининг ижтимоий-маънавий ҳаётга таъсири катта бўлган, чунки Марказий Осиё давлатлари ислом дини жамиятнинг таянч мафкураси эди. Руҳонийлар ўз манфаатларидан келиб чиқиб, маънавий ҳаётнинг барча соҳаларини ислом ақидаларига тобе қилишга, дин ва шарият тамойилларини янада чуқурроқ сингдиришга интилар эдилар.

ХУЛОСА

Марказий Осиёда вужудга келган ўзбек хонликлари Ўзбекистон давлатчилиги тарихида алоҳида ўрин тутган давлатлардан ҳисобланади. Улар ниҳоятда мураккаб, сиёсий курашлар авж олган бир даврда вужудга келди ва шаклланди. Хонликларнинг ташкил топган вақти Марказий Осиёда буюк империялар даври ўтиб, маҳаллий йўлбошчи сулола вакиллари турли йўл билан ҳокимиятни қўлга олиб, қабилавий конфедерация асосида давлат туза бошлаган пайтга тўғри келди. Диссертант томонидан олиб борилган тадқиқотлар ҳамда XVIII-XX аср бошларида ўзбек хонликлари марказий, маҳаллий, ҳарбий ва диний ҳокимиятининг сиёсий, иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан илмий таҳлили қўйидаги хулосалар чиқаришга имкон яратди:

– Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари давлат бошқаруви шаклига кўра, мутлақ монархия бўлиб, мамлакатда мулкдор табақалар, етакчи уруғлар (манғит, юз, қўнғирот, кенагас, қиёт, минг, қипчоқ, қирғиз, сарой ва ҳ.к.)нинг зодагонлари, руҳонийлар, айниқса, сайидлар ва хўжалар юксак мақомга эга эдилар;

– XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларида давлат бошқарувида кенг ислоҳотлар жараёни кузатилади;

– бу даврда хон тахтини эгаллаган ҳукмдорларнинг барчаси давлат ва жамиятда юқори мақом ва имтиёзларга эга бўлган сиёсий гуруҳларнинг таъсирида бўлдилар. Шунинг учун XIX аср ўрталарига келиб, марказий хон ҳокимияти заифлашди;

– ўзбек хонликларида ҳокимиятни ҳукмдорлар куч билан қўлга олиб, уни легитимлашнинг турли шаклларида фойдаланиш ҳолатлари ҳам кузатилади. Аштархонийларда Муҳаммад Раҳимбий, қўнғиротларда Муҳаммад Амин иноқ, Қўқон хонлигида Умархон биринчилардан бўлиб, олий ҳокимиятга бўлган даъвосини генеалогик (шажаравий, масалан, Қўқонда Олтин Бешиқ ривояти орқали) ва диний йўл билан асослашга ҳаракат қилишди;

– хонликларда мавжуд бўлган тинчлик ва осойишталикка хонликларнинг ўзаро тўқнашувлари ҳам салбий таъсир кўрсатган. Хусусан, Бухоро амирлигининг 1841 ва 1842 йиллардаги Кўкон хонлигига қилган босқинлари натижасида сиёсий путур етди, мамлакатда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт издан чиқа бошлади. XIX аср ўрталарига келиб ҳукмрон сулола вакиллари ўртасида тожу тахт учун кураш авжига чиқиб, бу ҳолат ўтроқ ҳамда кўчманчи ва ярим кўчманчи кучлар ўртасидаги рақобатни кучайтирди. Бунинг натижасида келиб чиққан ўзаро уруш ва низолар, қирғиз-қипчоқларнинг ҳокимиятга даъволари ва Россия империясининг тажовузи, бошбошдоқликларнинг янада авж олиши натижасида марказий хон бошқаруви заифлашди. Мамлакатда юзага келган вазиятдан фойдаланиб, турли кучлар хоннинг марказий ҳокимиятига чиқа бошладилар;

– Марказий Осиё давлат бошқарувида ҳарбий унвон ва мансабларнинг ўрни ҳам қиёсий таҳлил қилинганда амирликдаги ҳарбий унвон ва мансаб эгаларининг фаолияти маълум маънода XIX аср охирларидан бошлаб замонавий тартибга ўта бошлади. Бу ҳолни биз подшо Россияси ҳарбий Низоми, Низомининг қабул қилиниши, ҳарбий дала машқлари, саф тортишдаги ўзгаришлар, ҳарбий казармаларнинг ташкил этилиши, ҳарбийларнинг кийинишидаги ўзгаришларида кўришимиз мумкин. Ушбу ижобий ҳолатларга қарама-қарши ўлароқ, ҳарбий соҳада амал ва мансабларга тайинлашда кўпроқ шахсларнинг иқтидор ва қобилиятларига қараб эмас, балки насл-насабига, бойлигига, ўрта асрнинг салбий анъаналари ҳисобланган уруғ аймақчилик ва маҳаллийчиликка эътибор берилгани, тарихий ҳужжатларда ҳарбий мансабдорларнинг ўз хизмат вазифаларини суиистеъмол қилганликлари, укувсизликлари, жоҳилликка берилиб кетганликларини учала давлатда ҳам кўриш мумкин;

Амирликдаги ҳарбий соҳада бир қатор ножоиз ва мукамал бўлмаган қонун-қоидаларни кўрсатишимиз мумкин:

– ҳарбий амалдорларнинг унвон ва амали мерос сифатида авлоддан-авлодга ўтиб туриши, сарбозларнинг хизмат ёши ва муддатининг чегараланмагани, яъни уларнинг вафоти муносабати билангина ушбу вазифадан халос этилиши, амирликнинг тугатилиши давригача ҳам ҳарбий амалдорларни тайинлаш тартиб-қоидаларининг тўла ишлаб чиқилмагани, амирликдаги ҳарбий амалдорларнинг сиёсий ва ҳарбий билимлари, илмий салоҳияти, жисмоний ҳолати, укуви замон талабларидан анча орқада қолгани, кўшиннинг асосий вазифаси мамлакат мудофааси эмас, балки мавжуд тартибни сақлаш, амирликдаги кўзғолонларни бостириш бўлиб келаётгани кабилар шулар жумласидандир;

– XIX аср ўрталаридаги сиёсий бошбошдоқлик, ўзаро уруш ва низолар сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётга салбий таъсир кўрсатди. Жамият ҳаётининг барча соҳаларида тушкунлик даври бошланди. Охир-оқибат подшо Россияси “ўз чегараларида” тинчликни ўрнатиш баҳонасида

хонликнинг қолган ҳудудларини босиб олди ва Марказий Осиёнинг миллий давлатлари тугатилди;

– табақавийлик тизими мустақкам илдиз отган Марказий Осиё хонликларида анъанавий табақавий ҳуқуқ ва имтиёзлар билан ҳимояланган, ҳуқуқ ва мажбуриятлари одат ёки қонун билан мустақкамланган ижтимоий табақа ва қатламлар мавжуд эди. Шуларнинг орасида руҳонийлар қатлами кўп сонли ва таъсир доираси кенг бўлган табақа ҳисобланган;

– Марказий Осиё давлатларида диний ташкилотлар бошқарувининг ижтимоий-маънавий ҳаётга таъсири катта бўлган. Чунки Марказий Осиё давлатлари ислом дини жамиятининг таянч мафкураси эди. Руҳонийлар ўз манфаатларидан келиб чиқиб, маънавий ҳаётнинг барча соҳаларини ислом ақидаларига тобе қилишга, дин ва шариат тамойилларини янада чуқурроқ сингдиришга интиланган;

– ўзбек хонликлари ичида динга мойиллик кўпроқ Бухоро давлатида кузатилиб, ҳар бир ҳукмдор ўз мансабини, хавфсизлигини диний ҳокимият орқали ҳимоялашга ҳаракат қилар эди. Шунинг учун ҳам давлат сиёсатида руҳонийларнинг ўз ўрни бўлиб, ҳукмдор уларнинг фойдаси учун ҳам ислоҳотлар ўтказишга мажбур эди;

– хонликдаги диний ва қозилик лавозимида бўлганлар давлат томонидан белгиланган маош ҳамда турли эҳсонлар ҳисобидан кун кўрганлар. Мадраса, масжид, мазорлар ўзларининг вақф мулкларига эга бўлиб, шу мулк даромадидан ўз хизматчиларига маош берганлар. Қозилар шаръий суд асосида иш олиб борган;

– подшо Россияси Марказий Осиё хонликларини босиб олганидан сўнг ҳукумат томонидан дастлаб ўлкадаги мавжуд суд тизимидаги қозикалон лавозими тугатилиб, барча қозиларнинг ҳуқуқи тенглаштирилган эди.

Марказий Осиё давлатларининг бошқарув тарихини ўрганишни такомиллаштириш мақсадида қуйидаги **таклиф ва тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Бугунги кунда хонликлар тарихига бағишланган барча тадқиқотлар Ўзбекистон ҳудудлари билан чегараланмоқда. Ваҳоланки, ўзбек хонликларининг ҳудудлари ҳозирги мустақил Ўзбекистон Республикасининг сиёсий чегараларидан бирмунча кенг бўлган. Хонликлар тарихи бўйича тадқиқотларни ўша даврдаги мамлакат сиёсий чегаралари, яъни ҳудудлари доирасида ёритиш мақсадга мувофиқдир.

2. Манба ва адабиётлардан, айниқса, «Туркестанский сборник» («Туркистон тўплами»)дан хонликларнинг марказий, ҳарбий, диний бошқаруви тарихини, этнографияси ва маданиятига оид маълумотларни танлаб, алоҳида китоб сифатида нашр этиш лозим. Чунки ушбу тўпламнинг манба сифатидаги аҳамияти ва унинг информатив чегаралари охиригача ёритиб берилган эмас.

3. Бизнингча, хонликлардаги тарихнависларнинг асарлари ва улардаги маълумотларни янгича ёндашувлар асосида уларнинг яратилиш сабаби,

ғоявий йўналиши, муаллиф ёки буюртмачининг мақсадини аниқлаш билан герменевтик ва кодикологик жиҳатлардан ўрганиш вақти келди.

4. Хонликларда яшаб ижод қилган мутафаккирлар, олимлар, адиблар, меъмор ва санъаткорларнинг ҳаёти ва фаолиятларига бағишланган маълумотнома-кўрсаткич ҳамда тарихчи, адабиётшунос олимларнинг биобиблиографик альбомини тузиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

5. Ўзбекистон ва хорижий мамлакатларнинг музей ва турли архив фондларидаги ўзбек хонликларининг давлат бошқаруви, қўшин ва ҳарбий ишга доир маълумотларни йиғиш, манбаларни тўплаш, уларни рўйхатга олиш келгусидаги вазифалардан бири бўлиши керак.

**РАЗОВЫЙ УЧЕНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВАНИИ
УЧЕНОГО СОВЕТА PhD.03/27.02.2021. Tar.70.05
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
КАРШИНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ КАРШИНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**

ХУДАЙКУЛОВ ТУЛКИН ДУСТБОБОВИЧ

**ИСТОРИЯ УПРАВЛЕНИЯ ГОСУДАРСТВ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ
(ЦЕНТРАЛЬНАЯ, МЕСТНАЯ, ВОЕННАЯ, РЕЛИГИОЗНАЯ ВЛАСТЬ
(XVIII-НАЧАЛО XX ВЕКОВ))**

07.00.01 – История Узбекистана

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора исторических наук (DSc)**

Карши – 2022

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В 2018.3. DSc / 119.

Диссертация выполнена в Педагогическом институте Каршинского государственного университета

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.qarshidu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyo.net.uz).

Научный консультант:

Вахидов Шодмон Хусайнович
доктор исторических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Турсунов Сайфулло Нарзуллаевич
доктор исторических наук, профессор

Мовлонов Уктам Махмасобирович
доктор исторических наук, профессор

Холикова Рахбар Эргашевна
доктор исторических наук, профессор

Ведущая организация:

Бухарский Государственный Университет

Защита диссертации состоится на заседании одноразового научного совета по присвоению научных степеней Ph.D.03/27.02.2022.tar.70.05, основанного при Каршинском государственном университете «18» 03 2022 года. Начало в 10⁰⁰ часов (Адрес: 180103, г. Карши, улица Кучабог, 17. Факультет истории Каршинского государственного университета). (Тел.: (0375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.uz). Каршинский государственный университет.

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Каршинского государственного университета (зарегистрирована за номером 17). (Адрес: 180103, г. Карши, улица Кучабог, дом 17. Тел.: ((0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.uz).

Автореферат диссертации разослан «04» 03 2022 года
(протокол реестра рассылки № 3 от «04» 03 2022 года).



Б.Ж. Эшов
Председателя одноразового
научного совета по присвоению
научных степеней, д.и.н., профессор

Н.Н. Ражабова
Научный секретарь одноразового
научного совета по присвоению
научных степеней, д.и.н., доцент

Ю.А. Эргашева
Председатель одноразового
научного семинара по присвоению
научных степеней, д.и.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В условиях усиливающихся процессов глобализации, на международной арене растет интерес к более глубокому изучению древней истории разных народов, в частности процессов урбанизации, государственности и государственного управления, его особенностей, историко-культурного наследия и региональных аспектов развития цивилизации. В этом направлении важную роль играет изучение таких вопросов, как государственное управление, социально-экономическая жизнь, культура, методы управления, процессы урбанизации в период позднего средневековья.

В мировой историографии проводятся научные исследования по вопросам формирования и развития центральной власти в отдельных регионах, нижних и высших органов местного самоуправления, воинских званий и должностей в органах власти, управления религиозными организациями. В связи с расширением географии взаимосвязей Узбекистана, ведущие специалисты из России, Китая, Японии, США и ряда европейских государств уделяют особое внимание изучению существующих научных взглядов на вопросы государственного управления, динамики основных подходов в их исследовании, источникам, а также сравнительному анализу и обобщению государственного управления в Бухарском, Хивинском и Кокандских ханствах.

Научные исследования по истории узбекской государственности, ее фактическая оценка и творческое использование накопленного в этом направлении опыта, имеют важное значение в общественно-политическом и культурном развитии независимой Республики Узбекистан. Как отмечает Президент Ш.М.Мирзиёев: «В процессе построения нового общества изучение и использование богатых традиций культуры и творчества в истории нашего народа имеет огромное значение»¹. Именно поэтому всестороннее изучение истории Узбекистана, в частности истории узбекской государственности, являющейся неотъемлемой частью мировой цивилизации, к началу XXI века поднялось до уровня государственной политики.

Данное диссертационное исследование в определенной мере служит для выполнения задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан № 4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, Указ Президента Республики Узбекистан от 8 сентября 2017 года № УП-5185 «О концепции административной реформы в Республике Узбекистан», Указ Президента Республики Узбекистан от 10 февраля 2021 года №УП-6166 «О дополнительных мерах по усилению персональной ответственности руководителей органов государственного управления и органов исполнительной власти на местах за эффективную

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон фармонининг 1-илоvasида келтирилган. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони.

организацию исполнения законодательных актов», Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 3 февраля 2019 года № 82 «Об утверждении структуры структурных подразделений Аппарата Кабинета Министров Республики Узбекистан», Указ Президента Республики Узбекистан от 19 мая 2020 года № УП-5997 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности органов и учреждений юстиции в реализации государственной правовой политики», а также «Дорожной карте», направленной на организацию «Эффективной работы по изучению истории Узбекистана» на основе поручения 222-х Администрации Президента Республики Узбекистан от 5 января 2019 года, а также других задач, определенных в нормативно-правовых документах по данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное, культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных исследований по теме диссертации.

История Центральной Азии, включая Бухарское, Хивинское и Кокандское ханства, проводится исследования их государственного управления в ведущих мировых исследовательских центрах и высших учебных заведениях, включая Принстонский университет, факультет востоковедения (США), Государственный университет Огайо (США), Государственный российский государственный университет. Эрмитаж, Уральский федеральный университет в Екатеринбурге (Россия), Институт востоковедения, Боннский университет (Германия), Национальный исследовательский университет «Высшая школа экономики» в Санкт-Петербурге, Институт истории, археологии и этнографии Академии наук Таджикистана (Таджикистан), Университет Сулеймана Демиреля (Казахстан), Австрия, Институтом иранских исследований Академии наук (Австрия), Институтом истории Академии наук Республики Узбекистан (Узбекистан).

Ряд научных исследований по истории государственного управления в Центральной Азии, включая следующие результаты:

Разработаны научные заключения по ханствам в Центральном государственном архиве Узбекистана, в том числе «Документы Управления Хивинского ханства», сделаны научные выводы о важности источников по истории ханства как важной информации (Institute of Iranian Studies, Austrian Academy of Sciences (Австрия)); В ряде работ, посвященных правовым аспектам политики царской России в Средней Азии в начале XVIII – начале XX вв., дана оценка личности исторических личностей, в частности хивинских ханов Аллакулихана и Мухаммада Рахимхана II, а также их внутренней и внешней политики (Национальный исследовательский университет «Высшая школа экономики», Россия); Анализ взаимодействия между социальными классами и группами в государствах Центральной Азии

